

علم اور گانیشیں برابر مسلمان اوچون فرزندور

لہلہ



3-сон Зулкаъда

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал

يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْأَهْلِ قُلْ هِيَ مَوَاقِيتُ لِلنَّاسِ وَالْحَجِّ

Сендан ҳилоллар ҳақида сўрарлар. «Улар одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовидир», деб айт.

Бақара сураси 189-оят



ҚУРБОНЛИК
ҚАНДАЙ ҚИЛИНАДИ?



ИЗИ ЙЎҚОЛГАН
БОЙЛИКЛАР



МАСЖИДГА
ОТЛАНГАНДА...



МУСТАМЛАКАЧИЛАР
ҲАМИША АЛДАШГАН





Дўст танлашда адашма!

Ҳой, мўъминлар!
Аввало ўзингизни, кейин эса фарзандларингиз ва
оилангизни ёмон инсонлар билан дўстлашишдан сақлангиз!

ISLOM.UZ

adabiyot.uz

e-tarix.uz

hilol.com

Muslimaat.uz

QURAN.UZ

adabio.uz

halol.org forum

“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 3-сон.

Муассис: “Ҳилол” нашриёти МЧЖ (Москва)

Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад

Бош директор: Абу Муслим

Техник муҳаррир: Беҳзод Сулаймон

Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содик

Муҳаммад Юсуф (раис)

Тоҳир Малик.

Эркин Малик.

Абдулҳамид Турсун.

Муҳаммад Айюб Усмон.

Муҳаммад Зуфар.

Озод Мунаввар.

Исмоил Муҳаммад Содик

Анвар Аҳмад



INFO.ISLOM.UZ

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМИЙ АХБОРОТ КАНАЛИ



www.islom.uz

Журналда фикрлар хилма-хиллиги ва фарқлилиги тамойилига амал қилинади.
Мақоланинг журналда берилиши ундаги фикрларга таҳририятнинг қўшилганини англатмайди.
email: admin@islom.uz

Кўмилмаган уруғ ҳосил бермайди

Атоуллоҳ Искандарий «Ҳикматлар»и шарҳида ўқиган эдим: ерга икки дона уруғ ташланди. Бири тупроқ остига тушиб, кўздан пинҳон бўлди. Иккинчиси ер устида қолиб, махлуклар назарига тушди. Тупроқ остига тушгани сув ва нур йўқлиги сабабидан узоқ вақт ўсиб-унмай қолиб кетди. Тепада қолгани эса қуёш нуридан баҳраманд бўлиб яйради, бир-икки тасодифий ёмғир томчиларидан ниш уриб қувонди. Лекин унинг шодлиги узоққа бормади: беҳолгина майсасини ҳайвонлар топтаб ташлади, ўзи қуёш нурида жизғанақ бўлди, охири уруғни бир оч қуш илиб кетди.

Тупроқ остига тушгани зулматда ётавериб, нурга ташна бўлди. Сувсизликдан қийналди. Тоза ҳавони кўмсаб, жон-жаҳди билан ташқарига интилаверди. Ҳаракатлари зое кетмади: бир куни сўнгги ҳамла билан тош-тупроқлар орасидан ташқарига ёриб чиқди. Ўзини қуёшнинг тансиқ нурлари сари отди. Мусаффо ҳаводан ютоқиб симирди. Тупроқдаги озукалардан нафланди. Биллур томчилардан ташналигини қондирди. Яшил барглар чикарди, чуқур илдиз отди, куч-қувватга тўлиб ҳосил тутди.

Аллоҳнинг яратиш қонуни барча мавжудот учун бирдир. Хоҳ у ўсиб-униб чиқадиغان уруғ-данак бўлсин, хоҳ шахсиятини тарбиялаётган инсон бўлсин, ҳаммаси ана шу илоҳий қонунга бўйсунди. Аммо кўпгина тажрибасиз кишилар бунини унутиб қўйишади ёки бунга кам эътибор беришади. Салгина билимлари ошса, дарров ҳаммага кўз-кўз қилиб, хабардор қилиб қўйишни исташади: «Кўриб қўйинглар, камина катта олим бўлиб қолган». Ёки бирор савобли, хайрли иш қилиб қўйишса, дўсту душманга билдиргилари келиб қолади: «Анави жойга бунча эҳсон қилдим, манави уқанинг контрактини тўладим». Дафтар қалинлигида китоб ёзиб, муқавасига исми-шарифларини ўқловдай-ўқловдай этиб туширишади.

Бир донишманд бундай деган экан: «Вужудингни пинҳоналик ерига кўмгин, зеро, кўмилмаган уруғ ҳосил бермайди». Инсонлар ҳам ўсиб-унмоқчи бўлишса, маърифатга етишни, одамларга фойда етказишни исташса, наботот оламининг юқорида тилга олинган босқичларидан ўтишлари лозим. Ҳақиқатни излаш, илм, ахлоқ ва тажрибага эришиш «ер остида», назарлардан пинҳонда, одамлардан узлатда кечади. Ўсиш, камолга

етиш ва мева-ҳосил бериш эса «ташқарида», одамлар кўз ўнгиде содир бўлади. Ишларнинг оқибатини, мақсадларнинг хайрлисини танлаганлар инсонларнинг хайбарақаллачиларидан, шуҳрат ва ном чиқариш васавасаларидан узоқда бўлишади. Охират иморатини нафс, шахват ва риё асбоблари ёрдамида, мол-дунё ва кибр дастгоҳларида қурмоқчи бўлганлар эса ғариза ва шахватлардан омонда бўлишолмайди, муваффақиятсизлик ва фасодга учрашади. Чунки уларнинг нафси узлат меҳробиде тарбия топмаган, соғлом фитрати хилват ва пинҳоналик озуқасидан нафланмаган.

Саҳиҳ манбаларда айтилишича, Пайғамбар алайҳиссалом улуг ишлар, ҳақиқатни излаш ва топиш машаққатлари олдидан одамлардан узилган, Хиро ғорида узлатга чекинган эдилар. Аллоҳнинг танлаган элчисики


мукаллаф қилинган вазифалар рўёби йўлида пинҳоналикни танлаган экан, бизларнинг бунга эҳтиёжimiz кўпроқ. У зотдан кейин бирор киши бу илоҳий қонунларни четлаб ўта олган эмас. Иймон билан қуфр, тақво билан нафс, зуҳд билан шахват, риё билан узлат ҳеч қачон бир кўчада юрмаган, бир-бири билан келиша олмаган. Аллоҳнинг розилиги ҳавойи нафсларни қурбон қилиш эвазигагина топилади. Жаннатга риёзат, сабр ва қаноат чангалзорларидан

ўтибгина борилади. Айниқса, иймонга, эътиқодга, шаҳн-обрўга ҳар қадамда ҳуруж ва зуғум бўлиб турган замонларда узлатнинг фойдаси ва зарурати очикроқ намоён бўлади.

Аммо узлатга чекиниш бир кимсасиз ғорга яшириниб олиш, дегани эмас. Одамларга аралашган, уларнинг жафо ва озорларига дош берган, муомалот ва муносабатларда иштирок этган ҳолда ғурурингни, нафсингни, иззатингни жиловлаш узлат саналади. Донолар айтишича, ақлли киши беш нарсани одамлардан яшириши лозим: молу давлатига нуқсон етганини; ўзига етган ғам-қулфатни; яқинларидан ўзига етган озорларни; бировга қилган яхшилигини; душманининг кимлигини. «Ақлли одам қулфатни олдиндан кўради ва ўзини панага олади, тажрибасизлар эса олға юриб жазоланишади», дейди Сулаймон алайҳиссалом. «Ориф агар сўзласа, ҳалок бўлади, ошиқ сукут қилса, ҳалок бўлади», деган Шайх Шиблий. Улуғлар ҳеч қачон адашишмаган.



ИСЛОМ МУКАММАЛ ДИНДИР



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَالْمُنْخَفَةُ وَالْمَوْفُودَةُ وَالْمَرْدِيَّةُ وَالنَّطِيحَةُ وَمَا أَكَلَ السَّبْعُ إِلَّا
مَا ذَكَيْتُمْ وَمَا ذُبِحَ عَلَى النُّصَبِ وَأَنْ تَسْتَقْسِمُوا بِالْأَزْلَمِ ذَلِكُمْ
فَسَقُ الْيَوْمَ يَسِّرَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ دِينِكُمْ فَلَا تَحْشَوْهُمْ وَأَخْشَوْ
الْيَوْمَ أَكَمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ
الْإِسْلَامَ دِينًا فَمَنْ اضْطَرَّ فِي مَخْصَصَةٍ غَيْرِ مُتَجَانِفٍ لِإِثْمٍ فَإِنَّ
اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٣﴾

«Бугунги кунда куфр келтирганлар динингизга зарар етказишдан умид узишди. Улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Бугун динингизни мукаммал қилиб бердим, неъматимни батамом қилдим ва сизларга Исломи дин деб, рози бўлдим» (Моид сураси, 3-оят).

«Бугунги кунда куфр келтирганлар динингизга зарар етказишдан умид узишди». Ушбу ояти карима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув ҳажлари пайтида тушган. Бу вақтга келиб Ислом атрофга ёйилган, мусулмонларнинг шавкати ошган, ҳамма уларга ҳавас ва ҳурмат билан қарайдиган бўлган эди. Пайғамбаримизнинг умрлари охирида, видолашув ҳажини адо этар эдилар. Бу ҳаж Ислом ғалабасининг тантанасига айланиб кетди. Энди кофир-мушрикларнинг: «Мухаммад ва унга эргашган ялангоёқларни ер юзидан йўқотиб юборамиз», дейишга тиллари бормасди. Аксинча, уларнинг кўплари мусулмонликни қабул қилган ёки қабул қилиш арафасида турар эди. Қолганлари эса, янги дин равнақида ҳасад билан қараб туришса ҳам, Исломга зарар етказишдан умидлари батамом узилган эди. Ушбу жумлада Аллоҳ таоло мўмин бандаларига мана шу ҳолат хабарини бермоқда ва: «Улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар!» деб амр қилмоқда.

Яъни, кофирлар биздан устун келиб қолармикин, динимизга зарар етказармикин, деб улардан хавфсираб юрманглар. Балки Менинг амримга зид ишлар қилишдан қўрқинглар. Сизларга зарар шу туфайли қилиши мумкин.

«Бугун динингизни мукаммал қилиб бердим, неъматимни батамом қилдим ва сизларга Исломи дин деб, рози бўлдим». Ушбу оят Қуръони каримнинг охириги тушган оятларидан биридир. Олдин айтилганидек, ояти карима Пайғамбаримиз

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув ҳажларида тушган. Ушбу ояти карима нозил бўлганида ҳамма саҳобалар: «Динимиз мукаммал бўлди, Аллоҳ бизга неъматини батамом қилиб берди, Исломи дин деб, рози бўлди», деб чексиз қувонишди. Аммо ҳассос қалбли инсон, буюк идрок ва ақл соҳиби Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу йиғлар эдилар. Бу ҳолни қўрган саҳобалар ташвишга тушишди ва: «Сизга нима бўлди, эй Умар, нечун йиғламоқдасиз?» деб сўрашди. Шунда Ҳазрати Умар: «Ҳар бир нарса мукаммал бўлганидан сўнг унга нуқсон етиш бошланади. Мен бу оятни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотлари яқинлашганига ишора деб билияпман», дедилар. Бу андиша ҳақиқат бўлиб чиқди: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шу оят нозил бўлганидан кейин саксон бир кун ўтгач бу дунёни тарк этдилар.

Диннинг мукаммал қилингани, неъматнинг батамом этиб берилгани ва Исломи дин деб рози бўлингани тўғрисидаги хабар фақат ўша замон мусулмонлари ёки умуман мусулмонлар учунгина эмас, балки бутун инсоният учун қатъи ҳурсандчилик ва башорат эди. Бу улкан шодлик хабари инсоният ўзининг узок тарихи давомида саодат излаб қилган ҳаракат ва уринишларига тож кийдириб, гўзал натижа берган эди. Инсониятнинг яратган холиқи Аллоҳ таоло уни аста-секин тарбия қилиб келди. Ҳамма авлодларга Исломи дин қилиб берган бўлса ҳам, ҳар замон ва маконга ўзига хос шарият берди.

Биринчи Пайғамбар Одам Атога берилган шарият ўша даврдаги содда ҳаётга мос ва ўша вақт воқеълигини ҳисобга олган содда шарият эди. Кейинги даврларда ҳам Аллоҳ таоло худди шу қоида асосида ҳар замоннинг, маконнинг ва жамиятнинг ўзига хос ҳолатларини эътиборга олиб шариятлар юбориб турди. Табиийки, кейин келган шарият ўздан олдингисидан кўра мукаммалроқ бўлар эди. Аввалги Пайғамбарлар ўз қавмларигагина юборилар эди. Уларнинг пайғамбарликлари, шариятлари маълум муддатга, маълум маконга ва маълум жамият ёки қавмга хос эди. Шу тариқа кўплаб пайғамбарлар, шариятлар юборилди.

Ниҳоят, инсоният ўз камолига етган пайтида, Аллоҳ таоло пайғамбарларнинг охиригиси Мухаммад алайҳиссаломга самовий китобларининг сўнггиси Қуръони Каримни нозил қилди ва у орқали жамики инсоният учун, ҳар замон ва ҳар маконга салоҳияти бор Ислом шариятини жорий этди. Бу эса, инсониятга берилган улугъ шараф эди. Ана шу охириги шариятнинг мукаммал таълими ва татбиқи йиғирма уч йил давом этди. Бошланиши Маккаи мукарама яқинидаги Ҳиро ғорида бўлган эса-да, давоми Мадинаи мунаввара ва унинг атрофларида, мукаммал бўлиши видолашув ҳажиди – ушбу биз ўрганаётган оятнинг нозил қилиниши биландир. Ва ниҳоят, Оламларнинг Робби Ўзининг мўмин-мусулмон бандаларига: «Бугун динингизни мукаммал қилиб бердим», деб хитоб қилди.

Ушбу хитоб ҳалол-ҳаром, баъзи ҳайвонларни шаръий йўл билан сўйиш, қай ҳолатда ҳалол гўштлар ҳаромга айланиши масалаларига оид оятни қарима ичида келишининг ўзи эътиборга сазовордир. Бу ҳол дин деган тушунча ниҳоятда кенг эканини, ҳозирги баъзи бир гумроҳларнинг фикрича, ҳар одамнинг қалбида қолиши лозим бўлган ўйи, ҳаёли ва фикри эмас, балки инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи шомил тузум-низо эканини кўрсатади. Дин ўзида эътиқод масалаларини ҳам, шу билан бирга, одоб-ахлоқ, муомала, маънавиятлар, таълим-тарбия, иқтисод, сиёсат, ижтимоий масалалар, ибодатлар, ҳалол-ҳаром ва бошқа муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

Мазкур барча ишларда шариат ҳукмига амал қилганлар Аллоҳнинг амрига итоат этган бўлишади. Амал қилмаганлар эса, Аллоҳнинг амрига исён қилган бўлади. Чунки мукамаллиги Аллоҳ таоло томонидан эълон этилган шариатдан бошқа томонга оғиш уни эътироф этмаслик бўлади. Бу эса, ўз навбатида, қуфрга элғади. Ким Исломи шариатини ҳаётига дастур қилиб олса, илоҳий дастурни олади, баркамол дастурни олади. Унинг ақидаси баркамол бўлади. Маънавий ҳаёти комил бўлади. Таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи, иқтисоди, ижтимоий ҳаёти, сиёсати, турли алоқалари, тузумлари, бари бекамол-қўст бўлади. Икки дунёдаги бахт-саодати баркамол бўлади.

Бутун борлиқни яратган қодир зот Аллоҳ шу борлиқ ҳалифаси этиб инсонни ҳам Ўзи яратган. Ўзи яратган борлиқда Ўзи яратган одам қандай дастурга амал қилиб яшаса, икки дунё саодатига эришишини ҳам Унинг Ўзи яхши билади. Буюк яратувчи Аллоҳ мукамал қилиб қўйган ушбу динга юрмай, бошқа тузумларни ахтарганлар эса, «мен Худодан ҳам яхши йўл топувчиман», деб даъво қилган бўлади.

«Сизга неъматимни батамом қилдим». Демак, динни мукамал қилиб беришнинг ўзи улкан ва тўқис неъматдир. Исломининг улуғ неъматлигини мусулмон бўлганлар яхши билишади. Айниқса, аввал турли жоҳилиятлар ва уларнинг тузумларини синаб кўриб, кейин мусулмонликка ўтганлар жуда яхши билишади. Исломсиз яшаган инсоннинг ҳайвондан фарқи йўқлигини ана ўшалар кўпроқ таъкидлашади.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига мукамал дин қилиб берган Исломининг тўқис неъмат эканини яратган Холиқни инкор этиб юрган худосизларнинг фожиали оқибатларини кўрганда янада теранроқ, очиқроқ тушуниб етилади. Бу ҳақиқатни худосизлар дунё халқлари бошига олиб келган битмас-туганмас мусибатларни идрок этганлар яхши билишади.

Аллоҳ таоло бандаларига мукамал дин қилиб берган Исломининг улуғ неъмат экани молга, дарахтга, инсоннинг жинсий аъзосига сиғиниб, залолатда юрганларни кўрганда билинади.

Бу неъматнинг қадри инсон ақлига ор ҳисобланган турли бузук ақийдаларнинг ҳолини кўрганда тушунилади.

Мукамал дин Исломининг бандаларга улуғ илоҳий неъмат экани, ҳалол-ҳаром нималигини ажратмай, худди ҳайвон каби, қўлига тушган нарсасини еб-ичиб, ўзига ўзи битмас-туганмас дардлар орттириб олаётганларни кўрганда тушуниб етилади.

Мукамал дин Исломининг бандаларга улуғ илоҳий неъмат экани ахлоқ-одобдан беҳабар, отасини ҳам танимайдиган, дунёдаги ҳеч бир разолатдан қайтмайдиган, безори ва жинояткор авлодлар етишиб чиққанда билинади.

Мукамал дин Исломининг қадри оилалар бузилиб, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидан, жамиятдаги кишилар орасидан меҳру оқибат кўтарилиб, одамлар бир-бирларига душманлик руҳида, беҳурматлик руҳида, меҳр-шафқатсизлик руҳида шаклланган, ижтимоий алоқалари бузилиб бўлган жамиятларнинг ҳолини кўрганда билинади.

Мукамал дин Исломининг бандаларга улуғ илоҳий неъмат экани иқтисодий ҳолатлар оғирлашиб, кишилар ўз меҳнати самарасини кўра олмай, давлат ёки мулкдорлардан зулм чекиб, бола-чақасини боқиш нари турсин, ҳатто қорнини ҳам тўйғиза олмай юрганида тушуниб етилади.

Шу билан бирга, бир гуруҳ нобакорлар оддий инсонларнинг пешона тери билан топган маблағларини хоҳ давлат номи билан, хоҳ иш одами номи билан, турли услублар ёрдамида тортиб олиб, айшу ишрат қилиб юрганларини англаб етганлар мукамал дин Исломининг, айнан Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам шариатларининг илоҳий неъмат эканини тушунадилар.

Мукамал дин Исломининг ҳақиқий илоҳий неъмат экани кучли кучсизни еб, ҳаммаёқда зулм урчиб, инсон ўз жонини, болаларини, молу мулкини ва обрў-номусини ҳимоя қила олмай қолган жамиятларни кўрганда тушуниб етилади.

Мукамал дин бўлмиш Исломининг Аллоҳ таоло томонидан бандаларга улуғ неъмат қилиб берилганини ҳавои нафсига берилган сиёсатчилар халқларни бир-бирига уруштириб, қонини тўкканлари етмай, бутун дунёни вайрон қилиш хавфи остига олиб келиб қўйганларини ҳақиқий тушуниб етганлар англайдилар.

Агар инсоният бу неъматнинг қадрига етганида эди, уни қабул қилиб ўрганганида ва ҳаётга татбиқ етганида эди, дунёда ҳеч қандай муаммо қолмаган бўлар эди. Инсоният бекорга овора бўлиб, турли назариётларга, мафкураларга, дастурларга ва қонун-қоидаларга мурожаат этиб, ўзини қийнамаган бўлар эди.

«Ва сизга Иломи дин деб, рози бўлдим». Аллоҳ таоло инсониятга амал қилиш учун фақат битта динни – Иломи туширган. Бундан бошқа ҳеч бир динга рози эмас. Шу боисдан ҳам, бошқа динлар унинг даргоҳида қабул эмас. Аллоҳ таолонинг бу хитоби мусулмон бандалари учун улкан шарафдир. Аллоҳ таолонинг қатта иноятидир. Шу билан бирга, бу иноят мусулмонлар зиммасига қатта масъулият ҳам юклайди. Аввало, мусулмонлар Иломига тўлиқ амал қилишларини, қолаверса, ўзларига насиб этган улуғ неъматни бутун дунё халқларига ҳам тарқатишларини вазифа этиб юклайди.

Мукамал дин Иломи бандаларга Аллоҳнинг улкан неъмат эканини мусулмон бўлмаган инсофли шахслар ҳам ҳар доим англаб келишган. Уламоларимиз китобларида ишончли манбалардан ривоят қилишларича, яҳудийлар Ҳазрати Умари Одил розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига келиб:

– Сизларнинг китобингизда бир оят бор, агар шу оят биз яҳудийларга нозил бўлганида эди, ўша оят тушган кунни ўзимизга байрам қилиб олар эдик», дейишган экан. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу:

– Қайси оятни айтмоқчисизлар?» – деб сўрабдилар. Яҳудийлар:

– Бугунги кунда сизларга динингизни мукамал қилиб бердим» оятини, – дейишибди. Шунда Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу:

– Биз у кунни бир эмас, икки байрам қилганмиз: ҳам жума – ҳафталик байрам, ҳам қурбон ийди – йиллик байрам», – деган эканлар.

Милодий янги аср бошига келиб ҳам бошқа миллат вакилларида худди шу маънода ҳулосага келаётганлар кўпайиб бормоқда. Дунёнинг тараққий этган етакчи давлатларидан бирининг асли масиҳий (христиан) бўлмиш бир илғор сиёсатчиси ўз қаноати ила мусулмон бўлди ва Иломи ҳозирги мавжуд тузумларнинг ўрнини олиши зарурлигини таъкидлаб, «Иломи ўрин олувчи сифатида» деган китоб ёзди.

«Тафсири Ҳилол», 2-жуз, 9-16-бетлар

УММАТНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ

- عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: خَيْرُ أُمَّتِي قَرْنِي ثُمَّ الَّذِينَ يُلُونَهُمْ ثُمَّ الَّذِينَ يُلُونَهُمْ
 قَالَ عِمْرَانُ: فَلَا أَدْرِي أَذْكَرَ بَعْدَ قَرْنِهِ قَرْنَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا ثُمَّ إِنَّ بَعْدَكُمْ قَوْمًا يَشْهَدُونَ وَلَا يُسْتَشْهَدُونَ
 وَيَخُونُونَ وَلَا يُؤْتَمَنُونَ وَيَنْدَرُونَ وَلَا يَفُونَ وَيُظْهَرُ فِيهِمُ السَّمَنُ.

Имрон ибн Хусайндан (розияллоху анху) ривоят қилинади:
«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Умматимнинг энг яхшиси менинг асримдагилардир. Сўнгра улардан кейин келадиганлари. Сўнгра улардан кейин келадиганлари. (Имрон: «Билолмадим, у зот ўз асрларидан кейин икки асрни зикр қилдиларми ёки учни», деди.) Сўнгра сиздан кейин бир қавм бўлади. Гувоҳлик беришади, аммо улардан гувоҳлик сўралмайди. Хиёнат қилишади, шу боис уларга ишонилмайди. Назр қилишади, аммо вафо этишмайди ҳамда уларда семизлик пайдо бўлади», дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам нафақат ўз умматларининг энг яхшиси, балки, инсоният тарихидаги барча умматларнинг энг яхшиси ҳақида хабар бермоқдалар. Чунки Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг умматлари барча умматларнинг афзали экани ҳаммага маълум ва машҳурдир.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ўз умматлари ичидан энг яхшилари улар яшаган асрлар бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга бўлиб, бирин-кетин зикр қилмоқдалар:

«Умматимнинг энг яхшиси менинг асримдагилардир». Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг асрлари энг яхши аср, яъни «саодат асри» эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бинобарин, ўша асрда яшаб ўтган мусулмонлар, яъни, саҳобаи киромлар нафақат мусулмон умматининг, балки барча умматларнинг энг яхшиси эканини ушбу ҳадисдан билиб оламиз. Саҳобаи киромлар ана шундай бахтга сазовор бўлишган.

Улар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг суҳбатдошлари бўлиш, у зотнинг муборак юзларини кўриш, сўзларини эшитиш, Қуръони карим оятларининг нозил бўлиши ва бошқа кўплаб афзал ҳолатларнинг бевосита иштирокчилари бўлиш бахтига муяссар эди.

«Сўнгра улардан кейин келадиганлари». Яъни, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам асрларидан кейинги аср мусулмонлари у зот замонларидаги энг яхшилардан кейин, иккинчи ўринда турадиган яхшилардир. Булар тобеъинлар асри мусулмонларидир. Қайси мусулмон саҳобалардан бирорталарини ҳаётда кўрган бўлса, у тобеъин ҳисобланади.

Ушбу ҳадиси шариф тобеъин розияллоху анхумларнинг асри саҳобаи киромлар асридан кейинги бўлгани, уларнинг ўзлари эса, саҳобаи киромлардан кейинги энг яхши мусулмонлар эканлигига далилдир.

«Сўнгра улардан кейин келадиганлари». Бу учинчи асрдир. Бу асрда яшаган мусулмонлар тобеъинлардан кейин келган, саҳобаларни кўра олмаган мусулмонлар авлодидир. Улар «таба тобеъинлар» деб аталади. Ушбу учинчи асрдаги мусулмонлар авлоди ҳам соф Исломи таълимотлари асосида яшагани, уларда бузилишлар содир бўлмаганига ушбу ҳадиси шариф далилдир.

(Имрон: «Билолмадим, у зот ўз асрларидан кейин икки асрни зикр қилдиларми ёки учни», деди). Ҳадис ровийи Имрон ибн Хусайн розияллоху анху шакка тушиб, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам икки асрни айтдиларми, уч асрни айтдиларми, англай олмаган экан. Омонат юзасидан ўзларида борини ривоят қилган эканлар. Аммо бошқа ривоятлар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам уч асрни айтганларини таъкидлайди.

«Сўнгра сиздан кейин бир қавм бўлади». Тўртинчи асрга келиб, энг яхши асрлар силсиласига путур етиш бошланар экан. Яхшилигига Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам гувоҳлик берган мазкур асрлардан кейин бошқача бир қавм пайдо бўлар экан. Ўша қавмнинг сифатларида куйидаги қусурлар бор экан.

«Гувоҳлик беришади, аммо улардан гувоҳлик сўралмайди». Улар талаб қилинмаса ҳам гувоҳлик беришга ҳаракат қилишар экан. Бу эса тақво камлигининг аломатидир. Саҳобаи киромлар фақат талаб қилингандагина Аллоҳ таоло учун гувоҳлик беришган. Оқибати ўзлари ёки қариндошлари зиддига бўлса ҳам, тўғри гувоҳлик беришган. Гувоҳлик сўралмаса ҳам, гувоҳликка борадиганлар ғаразгүй бўлишлари турган гап. Кейинги асрларда кишиларда тақво ҳисси қолмагани учун шундай бўлишини Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам олдиндан айтиб қўйган эканлар. Амалда шундай бўлди ҳам.

«Хиёнат қилишади, шу боис уларга ишонилмайди». Ўша яхшилигига Пайғамбар алайҳиссалом гувоҳлик берган уч асрдан кейин келадиган асрлардаги кишилар омонатга хиёнат қиладиган бўлишади. Улар хиёнаткорликлари туфайли уларга ҳеч ким ишонмай қўяди. Саҳобаи киромлар хиёнат нималигини билмаган жамоа эди. Шунинг учун ҳатто душманлар ҳам уларга ишониб, омонатларини қўйган. Афсуски, кейинги авлодларда бу олиймақом хислат йўқолди.

«Назр қилишади, аммо вафо этишмайди». Вафодорлик саҳобаи киромларнинг доимий хислатлари бўлган эди. Улар назрга ҳам, қасамга ҳам ва бошқа бажариш лозим бўлган ҳар қандай нарсага тўлиқ вафо қилишар эди. Кейинги авлодларда ушбу ажойиб хислатнинг ҳам йўқолгани бутун инсоният учун катта бахтсизликдир.

«Ҳамда уларда семизлик зоҳир бўлади». Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам кейинги авлодларнинг такводан узоқлашгани, бепарволиги, ҳавои нафсга, айшу ишратга берилганлари туфайли ораларида семириб кетиш иллоти тарқалишига сабаб бўлганини ҳам таъкидлаб айтмоқдалар. Бу ҳам набавий мўъжизалардан бири. Ҳозирги кунда энг кўп ташвишга сабаб бўлаётган муаммолардан бири ортиқча семириб кетишдир.

Саҳобаи киромлар бунга ўхшаш нуқсонлардан холи эдилар. Улар ёлғон гувоҳлик нима, хиёнат нима, аҳдга вафосизлик нима ва ортиқча семириш нима эканини мутлақо билишмаган. Биз ҳам у зотлардан ўрناк олишимиз керак.

АМАЛЛАРНИНГ ҲУКМЛАРИ

1. Фарз

Инкор қилиб бўлмас қатъий далил билан бажарилиши талаб қилинган амал «фарз» дейилади. Беш вақт намоз ўқиш, рўза, закот, ҳаже каби амаллар фарздир. Фарзни бажариш шарт, уни бажарган улкан савобга эришади, бажармаган фосиқ ҳисобланиб, азобланади. Инкор этган эса кофир бўлади. Фарз икки хил бўлади: фарзи айн (ҳар бир мусулмон бажариши шарт) ва фарзи кифоя (бир ёки бир неча кишининг адо этиши билан бошқалардан соқит бўлади).

2. Вожиб

Эътирозга эҳтимоли бор далил билан бажарилиши талаб қилинган амал вожибдир. Масалан, витр, ҳайит намозлари кабилар. Вожибнинг ҳукми фарз билан баробар. Вожибни инкор қилган киши кофир бўлмайди, балки фосиқ бўлади. Вожибни бажарган савоб олади, тарк қилган жазога лойиқ бўлади.

3. Суннат

Зиммага юкланмаган, лекин бажарилиши талаб қилинган амал суннатдир. Суннатга амал қилиш вожибга амал қилиш каби талаб этилади. Бироқ суннатга амал қилмаган вожибга амал қилмаган каби жазоланмайди, балки қораланади.

Мазҳаб уламолари суннатни иккига бўлишган: 1. Суннати муаккада (таъкидланган суннат) – вожибдан кейинги даражада туради, масалан, жамоат билан намоз ўқиш. Бунга амал қилмаган гуноҳкор бўлади. 2. Суннати зоида (еб-ичиш, юриш-туриш каби ишларда Пайгамбар алайҳиссаломга эргашши).

4. Ҳаром

Инкор қилиб бўлмас қатъий далиллар билан бажарилиши таъқиқланган амал. Масалан, зино, судхўрлик, ўғирлик, ароқсўрлик каби. Ўаром иш қилган охирада дўзах азобида дучор бўлади, ҳаромни тарк этган савобга эришади. Ўаромни инкор қилган одам кофир бўлади.

5. Макруҳ

Эътирозга эҳтимоли бор далил билан бажарилиши тақиқланган амал макруҳи таҳримийдир. Масалан, бировнинг совчилиги устига совчи юбориш, эркакларнинг тилла тақиши ва ипак кийим кийиши макруҳи таҳримийдир. Макруҳи таҳримий ҳукми ҳаром ҳукмидадир, фақат уларни инкор этган киши кофир бўлмайди, ҳолос.

Қилинишидан қатъий қайтарилмаган, аммо қилинмаслиги қилинишидан аъло бўлган амал макруҳи танзихийдир. Мушук, йиртқич қушлар теккан сувда таҳорат олиш бунга мисол бўлади. Улардан сақланганлар савоб олади, қилганларга эса маломат ҳам, иқоб ҳам қилинмайди.

6. Мубоҳ

Шариатимиз қилиш ёки қилмасликни одамлар ихтиёрига қўйган ишлар. Масалан, рамазон ойида кечаси еб-ичиш каби. Бунга шариат белгилаган чегарадан чиқмай қилиш мубоҳ саналади. Мубоҳда уни қилган ҳам, қилмаган ҳам – баробар, савоб-гуноҳ йўқ.

Жоиз – лугатда «ижозат берилган, йўл берилган» маъноларини билдиради, мубоҳ тушунчасининг ўхшаши, шариатда руҳсат этилган амал.

НАМОЗ ТУРЛАРИ

Фарз намозлари – Аллоҳ таолонинг амри билан ҳар бир мусулмон зиммасида бурч ҳисобланган беш вақт намоз (бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон) ва жума намози ҳамда (мусулмонлардан баъзиларининг ўқиши билан бошқалардан соқит бўлувчи) жаноза намози.

Вожиб намозлар – ҳар куни хуфтондан сўнг ўқиладиган витр намози, рамазон ва қурбон ҳайити намозлари, Байтуллоҳдаги тавоф намози.

Суннат ва нафл намозлари – беш вақт фарз намозлардан олдин ёки кейин ўқиладиган суннат намозлар, таровеҳ, истисқо, «Таҳиятул-масжид» намози, зуҳро (чошгоҳ), таҳажжуд, истихора, ҳожеат сўраш намозлари, таҳорат ёки гуслдан сўнг, сафарга чиқаётганда, ой ёки куёш тутилганда ўқиладиган намозлар.

ХУЛҚЛАРИ ҚУРЪОН ЭДИ...

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларнинг энг гўзали, одамларнинг энг саҳийи, одамларнинг энг шижоатлиси эдилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Баро ибн Озиб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларнинг энг чиройлиси ва хулқи энг гўзали эдилар» (Имом Бухорий ривояти, «Жомеъус-саҳиҳ»).

Алқамадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Ҳазрати Оишадан: «Пайғамбаримизнинг намозлари қандай эди?» деб сўрадик. Оиша онамиз бундай жавоб бердилар: «Сизларнинг қай бирингиз Пайғамбар (алайҳиссалом) қодир бўлган нарсасига қодир бўла олар эди?! У зотнинг амаллари давомий эди» (Имом Бухорий, Муслим, Аҳмад ривояти).

Абу Абдуллоҳ Жадалийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Ҳазрати Оишадан: «Пайғамбар алайҳиссаломнинг оиладаги хулқлари қандай эди?» деб сўрадим. Оиша онамиз бундай дедилар: «Инсонларнинг энг гўзал хулқлиси эдилар: фахш сўзларни гапирувчи ва фахш ишларни қилувчи эмас эдилар, бозорларда бақириб юрувчи эмасдилар, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтармасдилар, лекин гуноҳидан ўтиб, кечирар эдилар» (Имом Термизий, Аҳмад ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (алайҳиссалом) кул чакирса ҳам жавоб қилар, касални бориб кўрар ва эшак миниб юрар эдилар» (Абу Наъим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этганларида ортларидан на бир диноҳ ё дирхам пул, на бир кул, на бир чўри қолдирмай, балки совутларини бир яҳудийга ўттиз соъ таомга гаровда қолдириб дунёдан ўтдилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Ҳасан ибн Али айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссаломга таом келтирилса, уни ерга қўйишни буюрар ва: «Мен бир бандаман, банда егани каби ейман ва банда ўтиргани каби ўтираман», дер эдилар» (Абдуллоҳ ибн Муборак ривояти).

Мўминлар онаси Оиша бинти Абу Бакрдан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёстиклари теридан бўлиб, ичига хурмо қипиғи солинган эди" (Имом Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида хизматчилари йўқ эди. Абу Толҳа қўлимдан тутиб Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига олиб кирди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, Анас хушёр ва ақлли бола, сизга хизмат қилсин», деди. У зот Мадинага келганларидан бошлаб вафотларигача сафарда ҳам, ҳазарда

ҳам хизмат қилдим. Бирор қилган ишим учун «Нимага уни бундай қилдинг?» демадилар. Шунингдек, қилмаган нарсам учун «Нимага буни қилмадинг?» демадилар» (Имом Бухорий ривояти, «Ал-Адаб ал-муфрад»).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир нарсаси келтирилса, «Буни фалон аёлга олиб бориб беринглар, у Хадичанинг дугонаси эди, буни фалон аёлга олиб бориб беринглар, у Хадичани яхши кўрар эди», дер эдилар» (Имом Бухорий ривояти, «Ал-Адаб ал-муфрад»).

Жарир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Мен мусулмон бўлганимдан кейин қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган бўлсам, албатта юзимга табассум билан қараганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оғизларини катта очиб, ичи кўринадиган ҳолда кулганларини кўрмаганман. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам доимо табассум қилар эдилар. Бир булут ёки шамол кўтарилганини кўрсалар, юзларидан ташвишланаётганлари билинар эди. «Эй Аллоҳнинг Расули, одамлар булут кўришса, ёмғир ёғди, деб хурсанд бўлишди, сиз эса булут кўрсангиз, юзингизда ташвиш аломати пайдо бўлади», дедим. «Эй Оиша, унда азоб йўқлигига ким менга қанолат бера олади? Бир қавм шамол билан азобланган, бир қавм азоб кўрганда келаётган бу булут бизга ёмғир ёғдиради, деган», дедилар» (Имом Бухорий ривояти, «Ал-Адаб ал-муфрад»).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ишдан бирини танлаш ихтиёрида бўлсалар, агар гуноҳ бўлмаса албатта енгилини-осонини танлар эдилар. Бирор гуноҳ иш бўлса ўша гуноҳ ишдан одамларнинг энг узоғи бўлар эдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари учун қасос олмаганлар, фақат Аллоҳ таолонинг ҳурмати поймол этилса, Аллоҳ азза ва жалла учунгина қасос олганлар» (Имом Бухорий ривояти, «Ал-Адаб ал-муфрад»).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуда раҳмдил киши эдилар. Олдиларига ким келса, ваъда берардилар, сўнг хузурларида ўша нарсаси бўлса уни бермасдан қўймас эдилар. Намозга иқома айтилди. Бир аъробий келиб, у кишининг кийимларидан ушлаб тўхтатди ва: «Менинг озгина хожатим бор, эсимдан чиқиб қолмай туриб эшитинг», деди. У зот хожатини айтиб бўлгунча бирга турдилар ва сўнг бориб намозни ўқидилар» (Имом Бухорий ривояти, «Ал-Адаб ал-муфрад»).

السلامة

Жобир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: «Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нима нарса сўралмасин, «йўқ» демаганлар» (Имом Бухорий ривояти, «Ал-Адаб ал-муфрад»).

Мўминлар онаси ҳазрати Умму Саламадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом бундай деганлар: «Мен ҳам бир одамман, холос. Талашиб-тортишганлар ҳузуримга келишганида баъзилари бошқаларидан ҳужжатни яхшироқ кўрсатиши, мен эса унинг фойдасига ҳукм қилишим мумкин. Кимга бир мусулмоннинг ҳақидан ҳукм қилиб берсам, у дўзах ўтидан бир бўлакдир. Хоҳласа олиб, хоҳласа қолдириб кетсин» (Имом Бухорий ривояти).





Рофеъ ибн Хадиддан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага келганларида шаҳар аҳли хурмоларни (серҳосил бўлиши учун) чанглатишар эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Нима қияпсизлар?» дедилар. Улар: «Биз (одатда) шундай қиламиз», дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Балки бундай қилмасаларингиз ҳам яхши бўлар», дедилар. Улар (чанглатишни) тарк қилишди. Шунда (хурмо мевалари) камҳосил бўлди. Рофеъ айтади: «Улар бун Расулуллоҳга айтишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Албатта мен ҳам инсонман, агар сизларга дин ишларингиздан бир нарсани буюрсам, уни олинглар (қилинглар). Ва агар сизларга ўз фикримдан келиб чиқиб, (динга боғлиқ бўлмаган) бир ишни буюрсам, ўзларинг биласизлар, мен ҳам бир инсонман», дедилар. (Имом Муслим ривояти, «Мишкатаул-масобих»).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сурмадонлари бор эди, кечаси уйкуга ётиш олдида икки кўзларига уч мартадан сурма тортар эдилар" (Имом Термизий, Ибн Можа ривояти).

Анас ибн Моликдан (р.а.) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хушбўй нарсаларни рад этмас эдилар» (Имом Бухорий ривояти, «Риёз ус-солихийн»).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хулқлари Қуръон эди» (Имом Муслим ривояти, «Риёз ус-солихийн»).

Ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолони ҳар он, ҳар дам, ҳар лаҳзада зикр қилар эдилар" (Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий).



Анвар АХМАД

ТАЛҲА ИБН УБАЙДУЛЛОҲ

Талҳа ибн Убайдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) тириклигида жаннатийлик башорати берилган (Ашараи мубашшара) ўн атоқли саҳобийдан бири эди. У Қурайш қабиласидан, ҳазрат Абу Бакр каби Тамим уруғидан, сулоласи учинчи отада Абу Бакр билан, еттинчи отада (Муррада) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) сулоалари билан бирлашади. Талҳа Исломига илк кирган маккалик мусулмонларнинг саккизинчисиди. У Бадр жангидан бошқа барча ғазотларда қатнашган (бунда ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам маълумот учун уни Шомга юборгандилар). Талҳа ибн Убайдуллоҳ саҳобалар ичида жуда бойи эди, сахий ва фазилатли бўлган, хайр-эҳсонни кўп қиларди. У Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) 38 та ҳадис ривоят қилган, булар уч «Саҳиҳ» китобига киритилган. Исломи душманлари уюштирган фитна шамоли Талҳани ҳам четлаб ўтмади. Жамал воқеасига аралашиб қолди ва тасодифий ўқдан яраланди. Басрага олиб келиниб, ҳижрий 36 (милодий 656) йили ўша ерда вафот этди.

«Мустадрак» ва «Исоба» китобларида Мусо ибн Толҳадан қилинган ривоятда Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу куйидагича васф қилинади:

«Отам Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу оппоқ юзига қизғиш ранг уриб турадиган ўрта бўй одам эдилар. Бир оз паст бўйликка мойил эдилар. Кўкрак ва елкалари кенг эди. Бурилсалар, бир йўла бурилар эдилар. Икки оёқлари катта, юзлари гўзал, кирғийбурун эдилар. Юрганда тезлаб юрар эдилар. Сочларини ўзгартирмас эдилар».

Талҳа ибн Убайдуллоҳ (Аллоҳ ундан рози бўлсин) қурайшликларнинг савдо қарвони билан Шомда эди. Қарвон Басрага кириб келгач, Қурайшнинг катта тижоратчилари шаҳарнинг гавжум бозорига ошиқишди ва савдони қизитиб юборишди. Талҳа ҳали ёш ва тажрибасиз бўлишига қарамай, ақллилиги ва закийлиги туфайли кўпни кўрган савдогарлар билан рақобатлаша олар, фойданинг энг каттасига эришар эди.

Талҳа эртадан-кечгача вақтини турли ўлкалардан одам ёғилиб келаётган бозорда ўтказарди. Худди шу жойда рўй берган бир воқеа унинг ҳаётини тубдан ўзгартирибгина қолмай, тарихнинг кейинги эврилишларидан дарак ҳам берди.

Келинг, яхшиси сўзни Талҳа ибн Убайдуллоҳнинг ўзига берайлик, бу ажойиб ҳодисани ўзи гапириб берақолсин:

«Бир куни Басра бозорига турганимизда насроний роҳибларидан бири атрофидагиларга:

– Ҳой тожирлар, одамлардан сўраб кўринглар-чи, ораларида маккаликлар бормикин? – деб қолди.

Мен унга яқин турганим учун жавобга шошдим:

– Мен маккаликлардан бириман.

– Сизларнинг орангиздан Аҳмад чиқдими? – сўради у.

– Аҳмад ким бўлди? – сўрадим.

– Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолибнинг ўғли, – жавоб берди роҳиб. – Айни шу ойда пайғамбарларнинг энг охиригиси чиқиши керак эди... У сизларнинг Макка заминингиздан чиқади, кейин қора қоялар, хурмозорлар ва суви чиқиб турган булоқлар ўлкасига кўчади. Унинг ҳузурига шошил, йигитча.

Роҳибнинг сўзлари юрагимга маҳкам ўрнашди. Шу заҳоти туяларимни ўрнидан турғизиб, йўлга тайёргарлик кўра бошладим. Қарвонни ҳам кутмай Маккага жўнадим.

Шаҳарга яқинлашишим билан одамлардан:

– Йўқлигимизда Маккада бирор нарса содир бўлдими? – деб сўрадим.

– Ҳа, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ўзини пайғамбар деб эълон қилди, Ибн Абу Қуҳофа эса унга эргашди, – дейишди.

Яхши хулқли ва хушмуомала Абу Бакрни яхши билардим. У софдил ва ҳалол савдогар эди, биз у билан дўст эдик, кўп вақтимизни бирга ўтказардик. Абу Бакр қурайшликлар тарихини яхши билар, уларнинг насабларини бир неча аждодларигача айтиб бера олар эди.

Унинг олдига бориб:

– Муҳаммад ибн Абдуллоҳга пайғамбарлик келгани ва унга эргашганинг ростми? – деб сўрадим.

– Ҳа, – деди у, – худди шундай бўлди.

Кейин у менга Пайғамбар ҳақларида гапириб берди ва уларга қўшилишга чақирди. Абу Бакрга басралик роҳиб ҳақида гапириб берганимда у бўлган воқеадан ҳайратга тушди ва:

– Бирга Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳузурларига борайлик, бу ҳақда айтиб берасан, Аллоҳнинг динига кириш учун нима дейишларини ҳам ўзларидан эшитасан, – деб таклиф қилди.

Абу Бакр билан Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳузурларига келганимизда у зот Қуръони каримнинг бир неча оятларини ўқиб бериб, Исломига кириш таклифини қилдилар. Аллоҳ қалбимни Исломига мойил қилди ва Пайғамбарга басралик роҳиб ҳақида гапириб бердим. Айтганларим Муҳаммадда (алайҳиссалом) катта таассурот қолдирди, бу у зотнинг юзларида акс этиб турарди... Кейин у кишига шаҳодат калималарини айтдим. Шу тариқа, Абу Бакр шарофатидан Исломига илк кирганларнинг тўртинчиси бўлдим».

* * *

Талҳанинг Исломга кириши қариндошлари ва яқинларига яшин ургандай таъсир қилди. Айниқса онаси Саъба бинти Хазрамия унинг мусулмон бўлганидан қаттиқ хафа эди. У тинмай ўғлини қарғар, бу йўлдан қайтариш учун қабиладошларини ишга солар эди. Қурйшликлар уни калтаклашдан, ҳақоратлашдан чарчашмасди. Бир куни «Қурайшнинг арслони» лақабини олган Навфал ибн Хувайлид уни арқон билан Абу Бакр Сиддиққа маҳкам қўшиб боғлаб, шу ҳолда маккалик безориларнинг қўлига топширди. Улар эса икковларини инсон кўрмаган қийноқларга солишди. Шу сабабга кўра Талҳа ва Абу Бакр Сиддиқ «боғланганлар» лақабини олишди.

* * *

Кунлар ўтиб борар, воқеалар бирин-кетин алмашар, вақт ўтгани сайин Талҳа ибн Убайдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу) ҳам улғайиб, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари йўлидаги ишлари ҳам кенгайиб борар эди. Унинг Исломга ва барча мусулмонларга садоқати чексиз эди. Пайғамбаримиз уни «Яхшилиқни аямайдиган, сахий ва олийҳиммат Талҳа» деб атардилар. Бу таърифларида эса жон бор эди.

Маълумки, Талҳа жуда бадавлат ва омади чопган савдогарлардан эди. Бир куни Хазрамавтдаги тижоратидан етти юз минг дирҳам фойда кўрди. Шундан кейин у тунни кўркув ва қаттиқ қайғуда ўтказди. Шу аҳволда олдида хотини Умму Кулсум бинти Абу Бакр кириб қолди:

– Сизга нима бўлди, эй Абу Муҳаммад, бирортамиз сизни хафа қилиб қўйдикми?

– Йўқ, – жавоб берди Талҳа, – мусулмонларнинг хотинлари ичида энг яхшиси сенсан... Ўзимга ўзим: «Ўйида шунча бойликка эга бўлиб хотиржам ухлаган одам Парвардигори ҳузурига борганида нима дея оларкин?» деган саволни бериб, туни билан тўлғониб чиқдим

– Бу сизни нега бунча безовта қилади, – сўради хотини, – фақир ва мискин қабиладошларингизни ўйланг-да, эрталаб пулларни уларга тақсимлаб беринг...

– Аллоҳ сенга раҳм қилсин, қанчалар топқир ва мунис хотинсан, ахир Сиддиқнинг қизисан-да! – хитоб қилди эри.

Талҳа эрта тонгдаёқ ҳамма пулларни ҳамёнларга солиб чиқди, кейин уларни Маккадан қўчиб келганлар ва ансорларнинг камбағалларига тарқатгани жўнади.

* * *

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу қачон Уҳуд урушини эсласалар, «У куннинг ҳаммаси Талҳанинг куни бўлган эди», дер эдилар. Ўша куни мушриклар мусулмонларни бутунлай билан кириб ташлашларига шубҳа қилишмас эди. Икки орада жанг бошланди. Мусулмонлар шиддатли жанг қилишарди. Айниқса, Абу Дужона Ансорий, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Ҳамза ибн Абдулмуттолиб, Али ибн Абу Толиб, Назр ибн Анас, Саъд ибн Робеъ катта жасорат кўрсатишди.

Куннинг биринчи ярмида мусулмонлар кофирлар устидан ғолиб келишди. Мушрикларнинг бошлиқларидан етмиш киши ғолок бўлди. Улар енгилиб, ортга қараб коча бошлади. Қочиб-қочиб аёллари турган жойгача боришдилар. Аёллар ҳам қочишга тайёрланиб, кийимларини йиғиштира бошлашди.

Мушрикларнинг енгилиб қочаётганини кўрган



камончилар Пайғамбар алайҳиссалом қимирламай туришни тайинлаб қўйган жойни ташлаб кетишди. Улар бир-бирларига: «Қаранглар, ўлжа, ўлжа!» деб қичқиришарди.

Амирлари Пайғамбар алайҳиссаломнинг шартларини эсларига солса ҳам қўнишмади. Мушриклар бағамом енгилиб бўлди, дея гумон қилиб, ўлжа йиғишга киришиб кетишди ва Уҳуд томонни очиқ қолдиришди.

Шу пайт Холид ибн Валид фурсатни ғанимат билиб, мушрикларнинг отлиқларини худди ўша ерга бошлади. У ердан ўтиб, мусулмонларнинг орқа томонидан бостириб кирди. Холид ибн Валид бошлиқ отлиқлар мусулмонлар устига бостириб келганини кўрган қочоы мушриклар ҳам ўзларини ўнглаб, яна уруш майдонига юзланди. Натижада мусулмонлар қуршовда қолишди.

Ҳамма нарса тескарисига айланиб, мусулмонлар енгилла бошлашди. Уларнинг сафида саросима, кўркүв ҳукм суриб, тартибсизлик бошланди. Бундай бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Мусулмонлар орасида шаҳидлар кўпайди. Мушриклар Пайғамбаримиз алайҳиссалом томонга ҳужум бошлади. У зот оз сонли кишилар ҳимоясида эдилар. Уларнинг кўпи ўз Пайғамбарлари ҳимояси йўлида мардонавор жанг қилиб, шаҳид бўлди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом вассаломнинг муборак юзларига жароҳат етди, пастки жағларидаги бир тишлари синди, бошлари ёрилди. Мушриклар у кишини тошбўрон қилишди. У зот Абу Омир фосиқ мусулмонларни алдаш учун қазиб, устини ёпиб қўйган чуқурлардан бирига тушиб кетдилар. Бошларига кийган дубулганинг иккита ҳалқаси ёноқларига кирди.

Мусулмонлар саросимага тушиб турган шундай нозик пайтда кимдир: «Муҳаммад ғалок бўлди!» деб қичқирди. Бу катта ва қаттиқ зарба бўлиб, мусулмонларнинг қолган қуч-қувватларига ҳам путур етказди. Улар урушни йиғиштириб, енгилдик деган ҳаёлда ортларига қоча бошлашди.

Талҳа ибн Убайдуллоҳ (розияллоху анху) мушриклар билан шиддатли жанг қила туриб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга бир тўп мушрик ҳужум қилаётганини кўриб қолди. У киши ҳамма нарсани унутиб, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламини ҳимоя қилиш учун учиб борди. Ҳар қадамда ыутурган мушрикларнинг ўнлаб, балки юзлаб қиличлари, найзалари ва камон ўқларига чап бериб, сеvimли Пайғамбарини ҳимоя қилиш учун жонини фидо қилгани етиб борди.

Ўша куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан фақат Талҳа ва Саид ёюлиб, у зотни ҳимоя қилди. Мушриклар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга худди уяси бузилган арилардек ташланган эди. Талҳа ибн Убайдуллоҳ (розияллоху анху) у зотни уларнинг тинимсиз ҳужумларидан ҳимоя қилар эди. Ўнг қўли билан қиличбозлик қилса, чап қўли ва елкаси билан Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг кулайроқ

жойга ўтиб олишларига ёрдам берар эди. Ана шундай жанг бўлиб турган вақтда душман қиличларидан бири Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам томонга тушаётганини кўриб, чап қўли билан ҳалиги қилични ушлаб қолди. Душман қиличи Талҳа ибн Убайдуллоҳнинг кўрсаткич бармоғини кесиб кетди. Ана шу жангдаги улкан жасоратини кўрган Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Талҳага жаннат вожиб бўлди», дедилар.

Табук жангига тайёргарлик кўрилиб турган бир вақтда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга баъзи мунофиқ одамлар Сувайлим исмли яҳудийнинг уйига тўпланиб олиб, Табук жангига одамларни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ортда қолишга чақираётганлари маълум бўлди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўша ерга бир гуруҳ саҳобалар билан Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анхуни юбордилар ва уларга Сувайлимнинг уйига ўт қўйиб юборишга амр қилдилар. Толҳа розияллоху анху амрни ёйиллатиб бажо келтирди. Бунга ўхшаш топшириқларни Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анху жуда ўринлатиб адо этар эди.

Ривоят қилишларича, бир куни Талҳанинг олдида бир одам келиб, қариндошлигини эслатди ва ундан моддий ёрдам сўради. Шунда Талҳа:

– Ҳозиргача ҳеч ким қариндошлигимизни менга айтмаганди. Каттагина ерим бор, Усмон ибн Аффон уни уч юз мингта оламан, деган эди... Агар хоҳласанг, ерни ол ёки уни уч юз мингта сотай-да, пулини сенга берай...

Бояги одам хурсанд бўлиб кетди ва:

– Яхшиси пулни олақолай, – деди.

Талҳа ерни сотиб, пулини унга келтириб берди.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз таъриф берганларидай «сахий ва олийҳиммат» Талҳадан рози бўлсин ва қабрини нурга тўлдирсин!

Машғум Жамал жангидан сўнг ҳаммага баробар жаноза ўкиб дафн қилаётган ҳазрати Али Зубайр ибн Аввом ва Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анхуларга ҳам жаноза ўқидилар, улар билан видолашар эканлар, икки дўстнинг қабрларига қараб туриб: «Қулогим Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам оғизларидан у зотнинг: «Толҳа ва Зубайр менинг жаннатдаги кўшнилариимдир», деганларини эшитган», дедилар. Ҳа, бу ҳақ гап. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳаводан олиб гапирмаганлар, у зотнинг айтганлари ваҳийдан бошқа нарса эмас эди.

Аҳмад МУҲАММАД

КУРСИ ОЯТИ (Оятул-курси)




Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

«Аллоҳу ла илаҳа илла ҳувал ҳаййул қоййуум Ла таъхузуҳу синатув ва ла навм. Лаҳу ма фис-самавати ва ма фил ардз. Ман зал лази йашфау индаҳу илла биизниҳ. Йаъламу ма байна айдиҳим ва ма холфаҳум ва ла йухитуна бишайъим мин илмиҳи илла бима ша-а. Васиа курсиййухус-самавати вал ардз. Ва ла йаудуху ҳифзуҳума ва ҳувал алиййул ъазийм».

Маъноси:

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

«Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир! У тирик ва абадий турувчидир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмайди. Самовоту Ердаги бор нарсалар Уникидир. Ҳузурида ҳеч ким Унинг изнисиз қўллай олмайди. У уларнинг олдиларидаги ва ортларидаги бор нарсани билади. Ва улар Унинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина билдилар. Унинг Курсиси осмонлар ва Ердан кенгдир. Иккисини ҳимоятида сақлаб туриш Унга оғир келмайди. У энг юксак ва буюкдир!»



ТАСБЕҲ НАМОЗИ

Икристима Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят этишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аббосга қарата: «Эй амаки! Сизга бермайми? Сизга ўргатмайми?» деган сўзларни зикр қилиб, сўнг бундай дедилар: «Тўрт ракат намоз ўқийсиз. Ҳар ракатда Фотиҳани ва бошқа бир сурани ўқийсиз. Биринчи ракатда қироатдан сўнг қиёмда



«Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» тасбеҳларини ўн беш марта айтасиз. Сўнгра рукуъга борасиз ва рукуъда турганингизда ҳам мазкур тасбеҳларни ўн бор айтасиз. Кейин бошингизни рукуъдан қўтарган вақтда ҳам яна тасбеҳларни ўн марта айтасиз. Сўнг саждага борасиз. Саждада турганингизда яна мазкур тасбеҳларни ўн бор қайтарасиз. Сўнг бошингизни саждадан қўтариб, яна мазкур тасбеҳларни ўн бор айтасиз, сўнг яна сажда қиласиз ва унда яна ўн бор тасбеҳ айтасиз, сўнг бошингизни саждадан қўтариб, тик бўлишингиздан олдин яна ўн марта тасбеҳ айтасиз. Бу айтилган тасбеҳларнинг умумий адади етмиш бешта бўлади. Тўрт ракатни шу тахлитда адо этасиз. Агар бу намозни бир кунда адо этишга қодир бўлсангиз, уни адо этинг. Агар бир кунда адо этишга қодир бўлмасангиз, жума куни бир марта ўқинг. Агар жума кунида адо этишга қодир бўлмасангиз, уни бир ойда бир ўқинг. Агар бунга қодир бўлмасангиз, уни бир йилда бир бор адо этинг. Бунга ҳам имкон бўлмаса, умрингиз давомида бир бор «Тасбеҳ» намози ўқиб қўйинг».



ҚУРБОНЛИК ҚАНДАЙ ҚИЛИНАДИ?

Қурбонлик қилиш закот, фитр садақаси каби молиявий ибодатлардандир, у ҳижратнинг иккинчи йили шариятга киритилган. Ҳанафий мазҳабига кўра, кўра қурбонлик сўйиш вожибдир.

Зулҳижжа ойининг ўнинчи куни ҳайит намози ўқилганидан бошлаб то ўн иккинчи кунининг шомигача қурбонликни сўйиш мумкин.

Кумуш закоти нисобидаги маблағга ёки зарурий эҳтиёжидан ортиқча, қиймати кумуш нисоби миқдорига етадиган мулкка эга бўлган муқим мусулмонга қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Мусофирга қурбонлик сўйиш вожиб эмас. Қиймати кумуш закоти нисобига етадиган ери бўлган, аммо ўзи ижарада яшаётган мусулмонга қурбонлик сўйиш вожибдир.

Қурбонлик учун беш ёшга тўлган туя, икки ёшга тўлган қорамол, олти ойга тўлган қўй ва бир ёшли эчки ярайди. Қурбонлик ниятида товуқ, ғоз, куркаларни сўйиш макруҳдир.

Қўй-эчкини бир киши, туя ва қорамолни бир кишидан етти кишигача сўяди, бунда бир кишига еттидан бир улуш тегиши

шарт қилинади. Улар ўртасида гўшт чамалаб эмас, килолаб тортиб тенг тақсимланади, фақат калла-пойчаси ва териси қўшиб юборилган бўлса, бундан мустасно. Етти кишидан бирининг нияти гўшт олиш бўлса, барчаларининг қурбонликлари бекор бўлади, зеро, қурбонлик рукни гўшт олиш эмас, балки ҳайвон сўйишдир.

Ўта озғин, сўйиш жойигача юриб бора олмайдиган ҳолдаги чўлоқ, кўзи кўр, қулоғи, шохи, думбаси ёки думининг учдан бир қисмидан кўпроғи кесиб ташланган ҳайвонлар қурбонликка ярамайди. Аммо айланбош, шохсиз, бичилган, қўтир ҳайвонларни қурбонлик қилса бўлади.

Қурбонлик сўйиши вожиб бўлган киши қурбонлигини вақтида сўймаса, кейин унинг қийматини садақа қилиши вожиб бўлади.

Қурбонлик қилувчи киши сўйишни билса, ҳайвонини ўз қўли билан сўйиши мандубдир (яхшидир). Агар билмаса, бошқа бир кишига сўйдиради, лекин ўзи унинг олдида туради. Сўйдирган кишисига ҳақ сифатида гўшт бермайди, балки пул билан рози қилади.

Қурбонлик қилувчи сўйилган қурбонлиги гўштининг учдан бирини садақа қилиши, учдан бирини бошқаларга едириши ва учдан бирини кейинчалик ейишга олиб қолиши мустаҳабдир. Агар серфарзанд бўлса, садақа қилиш ўрнига ҳаммасини улар эҳтиёжи учун қолдирса ҳам бўлади.

Қурбонликни кечаси сўйиш, аҳли китобга сўйдириш макруҳдир.

Қурбонлик териси садақа қилинади ёки рўзғорда ишлатиш учун меш, палос (пўстак) тайёрланади ёхуд узоқ муддатга ишлатиш учун мўлжалланган қозон, челақ, лаган каби буюмларга алмаштирилади. Агар тери бошқа нарсага алмаштирилса ёки сотилса, пули қийматини садақа қилиш лозим бўлади. Бордию терини масжидга топширишга тўғри келса, унинг имоми ёки бирор ходимига бериш мақсад қилинса, дуруст бўлади, акс ҳолда садақа бўлмайди. Чунки садақа истеъмолчига берилади, масжид эса истеъмолчи ҳисобланмайди.

«Кифоя»,

«Зикр аҳлидан сўранг»,

«Динда саволим бор»

китоблари асосида тайёрланди

Қурбонлик қурбон ҳайити кунлари сўйиладиган ҳайвондир. Фуқаҳолар истилоҳида қурбонлик «Махсус ҳайвонни махсус вақтда сўйишдир»

АМАЛ НИМА?

Банданинг ҳаётда қилган барча ишлари, ҳатти-ҳаракатлари, интилишлари амал саналади. Исломда амаллар учга тақсимланади: 1. Буюрилган амаллар. Буларни қилишда Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаш шарт. Агар ният сал бошқача бўлса, риёга айланади. 2. Қайтарилган амаллар. Бундай амалларни ният қилмай тарк этса, уларнинг зараридан қутулади, аммо савоб олмайди. Лекин ният қилиб, Аллоҳ таолонинг розилиги учун у ишларни ташласа, ажр олади. 3. Мубоҳ амаллар. Ёйиш-ичиш, оила ҳаётини юритишга ўхшаш ишлар. Бу амалларни ниятсиз қилса, ажр олмайди, Аллоҳ таолонинг розилигини олиш ниятида қилса, ажр олади. Ҳар бир мубоҳ амал Аллоҳ таолонинг розилигини ният қилиш ила ибодатга айланади. Ибодатга қувват бўлсин деган ниятда овқатланиш ҳам ибодат.

Қалбдаги нарсани амал юзага чиқаради. Исломда Аллоҳ таолога қалбни таслим қилиш билан бирга бутун аъзоларини амал билан таслим қилиш ҳам бор. Мусулмон уммати имонига қанчалик содиқ бўлса, Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига қанчалик сидқидилдан ибодат этса, динга қанчалик кўп амал қилса, ер юзини обод қилишда шунчалик пешқадам бўлгани Ислом тарихидан маълум. Чунки бу нарса ваъда қилинган (Нур, 55). Аллоҳ таоло ваъдасининг устидан чиққан. Аллоҳ таоло ҳидоятни хоҳлаб унга интилан одамга ҳидоят нурини ато этади. Ким иймон учун ҳаракат қилса, Оламлар Парвардигори уни умидсиз қўймайди. «Аллоҳ қилинаётган амаллардан хабардордир» (Ҳашр, 18).

Ким (хоҳ кофир, хоҳ мусулмон) бу дунёда қўлидан келадиган ҳаракатни қилса, амалига яраша самарасини камситилмасдан тўлиқ олишини Аллоҳ таоло кафолатлаган (Худ, 15). Охират учун ҳаракат ҳеч қачон бу дунёни тарк этишни талаб этмайди. Инсон иймонли бўлса, дунё учун қилган амалларини иймонли ҳолда бажариб, охиратда ҳам бу дунёда ҳам улуғ мақомга эришади. Исломда қуруқ гап (ёки ният)нинг эътибори йўқ балки айтилган гап (ёки ният) ни амал билан тасдиқлаган, яъни, фақат Парвардигорга ибодат қилиб, фақат Унга суянганларнинг мукофоти жаннатда мангу қолишдир (Аҳқоф, 14). Тиллари билан айтган гапларга амал қилиш керак бўлганида юз ўгириб бошқа томонга кетадиганлар мўмин эмас, мунофиқдирлар (Нур, 47). Аллоҳ таолога ва Пайғамбарга ишонмай, фақат бу дунё ҳаёти ва зийнати хоҳлаб амал қилганлар (таъкидланганидек) бу дунёда орзуларига эришадилар, аммо охиратда улар учун «дўзах оловидан бошқа ҳеч вақо йўқдир» (Худ, 16-17), чунки улар охират ҳаёти учун ҳеч амал қилишмаган.

Ҳар бир инсон яхшими, ёмонми амал қилса, унинг амали ўзи билан бўлади, ундан ажрамайди (Ал-Исро, 13). Ундан тониб, мен қилганим йўқ деб қутулишнинг имкони йўқ. Бу дунёдаги ҳамма ишлар амал дафтарига битилади ва ўшанга кўра ҳисоб-китоб бўлади. Тарози паллаларида бу дунёдаги ишларнинг савоблари оғир келиши ё гуноҳлари оғир келиши ила банданинг бахтли (жаннатий) ёки бадбахт (дўзахий) экани кўринади. Аллоҳ таоло «яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарувчилар»ни мўминлар (Тавба, 71), «ёмонликка буюриб, яхшиликдан қайтарувчилар»ни фосиқ мунофиқлар (Тавба, 67) деб таърифлаган. Пайғамбар (алайҳиссалом): «Огоҳ бўлинглар, дин самимиятдир», дедилар. «Эй Расулаллоҳ, ким учун самимият?» деб сўрашди. «Аллоҳ учун, Расули, Китоби ва барча мусулмонлар учун самимият», деб жавоб қилдилар. Уламоларимиз ушбу Ҳадиси шарифни шарҳлаб: «Аллоҳ учун самимият – Аллоҳга имон келтириш, одамларни ҳам



иймонга чақириш ва одамларнинг ҳаммаси мўмин бўлишини орзу қилишдир. Пайғамбар (алайҳиссалом) учун самимий бўлиш эса, у кишига Аллоҳ таолодан нима келган бўлса, тасдиқлаш, суннатларга амал қилиш ва одамларни ҳам бу ишга бошлашдир. Китоби учун самимият уни ўқиш, унда бор нарсаларга амал қилиш ва одамларнинг ҳаммаси ўқишини ҳамда амал қилишини орзу этишдир. Мусулмонларнинг уламоларига самимият уларнинг буюрганларига итоат қилиш, қайтарганларидан қайтиш ва уларга қилич билан қарши чиқмасликдир. Мусулмонлар учун самимий бўлиш ўзи яхши кўрган нарсаларни бошқаларга ҳам раво кўриш, ўзи ёмон кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмаслик, мусулмонлар орасида дўстлик ва иноқлик бўлишини хошлашдир», дейишган.

Амал дафтаримиз ўнгга ва сўлга пирпираб учадиган кунни ҳаёлдан қочирмасдан, ғофил бўлмасдан, бу дунёда яхшилик қилиб қолиш керак. Бу дунёдаги банданинг амали саккиз қисмга бўлинади: фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳаром, макруҳ ва мустақраҳ.

Сайфуллоҳ Абдуллоҳ ўғли АШУРОВ тайёрлади

1) Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 2-нашр. 2-жуз. Т., «Мовароуннаҳр», 2005, 456-б.; 2) Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 2-нашр. 3-жуз. Т., «Шарқ», 2006, 87-, 407-б.; 3) Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 2-нашр. 4-жуз. Т., «Шарқ», 2006, 187–196-б.; 4) Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 2-нашр. 5-жуз. Т., «Шарқ», 2007, 449-, 560-б.; 5) Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 2-нашр. 6-жуз. Т., «Шарқ», 2007, 190-, 517-б.; 6) Ал-Фақиҳ Абу Лайс ас-Самарқандий. Танбеҳул ғофилин (Ғафлатдан уйғотиш). Т., «Мовароуннаҳр», 2007, 459–464-б.

УНИ ОВРУПА ҲАМ ТАНИГАН...

Милодий 1451 йилда тожу тахт энг йирик турк султонларидан бирига – Муҳаммад алайҳиссалом динининг жонқуяри сифатида Фотиҳ номи билан шухрат қозонган Муҳаммад Иккинчига насиб этди. Тахтга ўтирганида энди йигирма бир ёшда бўлган Фотиҳ ўттиз йил подшоҳлик қилди. У амир Муовия давридан бери кўплаб қамалларга бардош бериб, Ислом кучларига таслим бўлмай келган Қўстантания (Константинопол) ни босиб олишни ўзига мақсад қилиб қўйди. Қўстантания императори туркларга қарам бўлиб, солиқ тўлаб турарди, шаҳар барча овруполиклар учун ва айниқса юз эллик йил мобайнида турклар билан жангу жадаллар олиб борган Шарқий Оврупо насронийлари учун очик эди. Илгариги султонлар Босфорнинг Осиё қисмида, Константинополга бевосита яқин бўлган Онадўли Ҳиссор деб номланган жойда қурдирган қасрини у Румели Ҳиссор, яъни Оврупо саройи деб атади. Қалъа қуриб битказилгач, Муҳаммад ўрта асрлар охирида ўз номи билан боғлиқ машҳур қамаллардан бирини амалга оширишга киришди.

Ўшанда Эскишаҳарда ўн минг аскар бор эди. Венетсияликлар ва юнонлар туркларнинг шу атрофдаги ҳарбий-денгиз кучлари устунлига қарамасдан, қуршовда қолганларга ёрдамга келишди. Шаҳар шарқ томондан Ҳимоя қилинди. Чунки византияликлар йўғон чўян занжир тайёрлатиб, у билан Олтиншоҳ кўрфазини бирорта кема қиролмайдиган даражада тўсиб қўйган эдилар. Муҳаммад Иккинчи шаҳарнинг қувватли деворларини ғарбий ва шимолий томондан ўққа туттирди, бироқ эпчил ҳарбий қисм унинг ўпирилган жойларини зудлик билан ямаб турарди.

Муҳаммад шаҳарнинг жанубидан ёки шарқидан кўринишга жазм этмади. «Занжирни узишга уриниб кўрсаммикин?» Бунга ҳам имконият йўқ, чунки шаҳар девори устига ўрнатилган тўпла-тўғри кўрфазни нишонга олиб турарди. Қани энди кемалари нариги томонда бўлса. Умуман уларни бошқа соҳилда барпо этса бўлармиди? Йўқ, бўлмас эди, сабаби у томонда бирорта кемасозлик майдони йўқ. Улар қирғоққа урилишлари ва гирдобда соҳиллар орасида илиниб қолишлари мумкин эди. Таваккал қилиб кўрсинми? У денгизчи муҳандисларга маслаҳат солди. Улар бир синаб кўришга, ўз навбатида Муҳаммад эса бунинг учун катта мукофот беришга ваъдалашишди.

Қуруқлик оша етмишга енгил кемани Қора денгизга судраб олиб келиб, тўлиқ жиҳозланган аскарлари ва замбараклари билан сузишга қўйиб юборишди. Унчалик катта бўлмаган бу денгиз кучлари шаҳарга орқа томондан

ҳужум қилиб, қуршовни дарз кетдирди. Муҳаммад ғарб томондан зарба бериб, қалъа деворининг йиқитилган жойидан Эскишаҳарга бостириб киришга муваффақ бўлди. Қонли жангда сўнгги император Константин ўлдирилди. Венетсияликлар ва генуяликларнинг кемалари кўпгина насронийларни омон сақлаб қолди. Ниҳоят, қудратли Қўстантания (Константинопол) шаҳри таслим бўлди.

Бу воқеа катта сиёсий аҳамият касб этмади, чунки турклар юз йиллар мобайнида Болқонда хўжайинлик қилиб туришарди. Лекин мазкур ғалабанинг бошқача бир аҳамияти бор эди. Қадимий маданият соҳиби ҳисобланган бу шаҳар насроний черкови маркази ва азалий императорлар маскани бўлиб келган эди. Унда бутун Оврупо ардоғидаги Авлиё София кафедрал собори жойлашганди. Шу сабабдан ҳам шаҳарнинг қўлдан кетишидан бутун қитъа оғир қайғуга чўкди. Мағлублар шаҳарни тарк этишаркан, қадимий адабий хазинани ўзлари билан олиб кетиб, Оврупони бойитдилар. Бироқ қитъа аҳолиси бу йўқотишни ҳеч қачон унута билмади ва туркларни авф эта ҳам олмади. Шу даврдан бошлаб Овруподаги ҳар бир қўл туркларга қарши чўзилаверадиган бўлди. Қитъадаги барча халқлар бирин-кетин улар билан курашиб чиқди, шу тариқа уруш тўрт юз йил давом этди. Насронийлар 1492 йили Фарнотадаги сўнгги мусулмон подшоҳлигини барбод қилмагунларича унга ҳужум қилавериб, аламларидан чиқишди.

Муҳаммад Фотиҳ унвонига у фақат Константинополни забт этгани учун эмас, балки кўп марталаб зафар кучгани туфайли сазовор бўлган. Хунёди ҳали турк ерларига юриш қилиб турарди. Муҳаммад ҳам ўз навбатида 1456 йилда Сербиянинг пойтахти Белград шаҳрини қамал қилди. Шундай бир пайтда Хунёди вафот этиб, Муҳаммад эса ғолибона юришини давом эттирди. У 1458 йилда Сербияни, 1458 ва 1461 йиллар оралиғида Босния билан Ҳерсеговинани эгаллади. Бу минтақаларда кўпчилик Ислом динини қабул қилди. Шу йиллари туркларнинг денгиз кучлари Эгей баҳридаги ороллари босиб олди.

Бироқ ҳар қадамда Венетсия ва Генуяга мададкор бўлиб келаётган машҳур Искандар бошчилигидаги Албания бир чеккада қолаётган эди. Искандарбек вафотидан кейин 1467 йили бу мамлакат ҳам босиб олинди. Ана шу ғалабалар Оврупони таҳликага солиб қўйди. Мусулмонларнинг бошқа бир шохобчаси қитъада шарқ томондан ҳам хуруж қилаётган эди. Венетсия айниқса ташвишга тушиб қолди. Усмонлилар Византияга

қарам барча Эгей ороллари эгаллаб, Венетсия билан Русиянинг кўпгина тижорат бозорлари жойлашган Қора денгиз бандаргоҳларига олиб борадиган савдо йўлини ёпиб қўйишди. Ҳаяжонга тушган Папа яна «Насронийлар хавф остида!» деган эски даъват билан навбатдаги салиб юришини уюштиришга чоғланди. У ҳатто маълум натижага эришди ҳам.

Можаристон билан Венетсия жангга ҳозирлик кўра бошлади, бироқ бундан ҳеч нарса чиқмади. Бетайинликдан чарчаган турклар орқага қайтиб кетишди. 1469 йили Долматия ва Хорватия, 1470 йили Адриатика денгизидаги Негропарте бандаргоҳи эгалланди. Венетсияликлар Форс билан иттифоқ тузиб, шохни Шарқдаги туркларга қарам ўлкаларга ҳужум қилишга тезлашди. Форслар жангга отландилар, лекин турклар 1473 йилида Эрзинжонда уларга зарба берганларидан кейин Венетсия томонга бурилиб, шимолий Албаниядаги бир қанча шаҳарларни ҳам қўлга киритдилар.

Венетсия денгиз кучлари Скутарига ҳужум қилди, турк денгизчилари эса Адриатикага сузиб кирганларича Венетсиянинг ўзини нишонга олиб, уни муомалага ўргатиб қўйганликларидан ташқари кўп кулфатларга сабаб бўлган урушга чек қўйган сулҳ битими имзоланишига ҳам бошлаб келдилар. Турклар юқори Албанияни, Негропартени, Эгей ороллари ишғол қилишди. Қора денгизда савдо қилиш ижозати учун Венетсия ҳар йили султонга 10 минг дукат тўлаб туришга рози бўлди.

Муҳаммад фотиҳликда ҳам, маъмур сифатида


ҳам буюк инсон эди. Қустантанияни эгаллагач, у насронийлар ва юнонларга шаҳарда қолишга рухсат берди, ҳатто юнонларнинг қабила бошлиғи Геннадийосни турк ерларидаги барча насронийларнинг дин пешвоси сифатида қабул қилди, арман черковини ҳам эътироф этди. Янги сарой ҳамда подшоҳ қулларини ўқитиш учун мактаб қурдирди ва янгича ўқув тартибини жорий этди. Хорижий юртларнинг элчиларини султонга рўпара бўлишларига қадар қабул қилиб туриш учун бош вазирга ўз саройига эга бўлиш ихтиёри берилди. Бу сарой Боби Али (Катта дарвоза), Оврупода эса «Гранд гейт» ёки «Сублим порте» деб ном олган.

Куч-қувватга тўлган Муҳаммад улўф ниятлар билан яшарди. У, шунингдек, шеърият ва санъатга ихлос қўйган маданиятли киши эди. Ислом тадқиқотларига зўр мухлис бўлган Муҳаммад айниқса форс шеъриятини жуда севарди, юнон маданиятига қойил қоларди. Унга Рагуси шаҳридан юнон қўлёзмаларини ҳадя қилиб келтиришди. У ҳуқуқшуносликни йўлга қўйди, мактаб очдирди, масжидлар ва касалхоналар қурдирди. Фоят илғор дунёқарашга эга бўлгани учун билим ва маданият соҳасига ҳомийлик қилиб турар, фозилу фузалолар билан мулоқотдан жуда роҳатланар эди. У бутун Оврупода ажойиб инсон сифатида танилди. Бежизга мағлуб венетсиялик рассом Беллини унинг тасвирини акс эттирмаган эди...

*Инглизчадан Жамолiddин Ҳамдам ва Шариф
Холмурод таржумаси*



ЭЪТИҚОДСИЗ ОЛИМ ОЛИМ ЭМАС



Ақлли инсон эътиқодсиз яшай олмайди, иймонли инсон илмсиз туrolмайди. Айниқса, илм ва тафаккур эгалари ҳаётларини динсиз тасаввур эта олишмайди. Бир донишманд айтганидай, «Эътиқоддан маҳрум олим – олим эмас». Атоқли физик Алберт Эйнштейннинг: «Дин фансиз чўлоқ, фан динсиз кўр», деган гапи ҳам бор. Ўн саккизинчи аср мутафаккирларидан Хершел: «Билим майдони кенгайган сари Тангрининг мавжудлигига далиллар кўпаяверади», деб таъкидлаган эди.

Аммо кейинчалик бу ўлчовлар хийла бузилди. Инсонларнинг жоҳиллиги шунга бордики, ухровий ва дунёвий илмлар ўртасига баланд хитой девори тикланди. Дин ва фан бир-бирига ғаним қилиб қўйилди. «Дин турғунликда қотиб қолган, дин илм-фанга тўғаноқ» деган сохта даъволар ўртага чиқди. Дин олими замона илмини ўрганишни ор билиб, унга бепарво бўлди. Дунё олими аксинча эътиқодсизликни, моддапарастликни «чин илм» ҳисоблаб, қаттиқ

адашди. Мавлоно Жалолиддин Румий ёзганларидай, «Шарқ Ҳақни топди дунёдан кечиб, Ғарб дунё топди Аллоҳдан кечиб».

Иймон ва куфр, ҳақ ва ботил, эзгулик ва ёвузлик орасида бўлгани каби маърифат ва жаҳолат ўртасидаги олишув ҳам ҳанузгача давом этмоқда. Бугун ҳам дин ва фан ўртасида тубсиз чоҳ кўраётган олимлар бор. Айрим фан мутахассислари ҳамон эътиқодсизлик, моддапарастлик тўрларидан халос бўлолмай, Аллоҳнинг яратиш ва ўлгандан кейин қайта тирилтириш иродасига ақллари «етмай» турибди. Диний илмлардан хабардор бўлишни «қолоқлик», «маданиятсизлик» санайдиганлар ҳам керагича топилади.

Асл ҳақиқат бошқача! Аллоҳ таолонинг бандаларига йўллаган илк кўрсатмаси «Ўқи!» амри эди. Иккинчи дафъада туширган ояти «Қаламга ва у битадиган битикларга қасам» деб бошланган. Аллоҳ таоло илмини қиёматгача бандалар учун маърифатга эришиш, ҳақиқатни топиш, икки дунё саодатига эришиш воситаси қилди. Илмсизлик, жаҳолат эса инсониятни тубанликка, ҳалокатга олиб боришини билдирди. Буни замонамиз олим ва мутафаккирлари яқдил тасдиқлашади. Ана шуларни ҳисобга олиб, журналимизнинг ушбу сонидан бошлаб «Дин ва фан» туркумида бир неча мақолалар чоп этишни режаладик. Биринчиси – атоқли физик олим, Нобел мукофоти соҳиби Алберт Эйнштейн ва унинг эътиқодий қарашлари ҳақида.

Дунёда Алберт Эйнштейн исмли олимни танимаган, ҳеч йўқ у кашф этган «нисбийлик назарияси» ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак? Эйнштейн ва унинг илмий кашфиётлари ҳақида беш мингдан ортиқ китоб ёзилган. Унинг ўзи эса: «Мендай ҳеч қандай иқтидор йўқ, фақат ўта қизиқувчиман, холос», деган. Нисбийлик назариясини қандай топгани ҳақидаги саволларга у жўнгина қилиб бундай жавоб берган: «Рисоладаги одам макон ва замон ҳақида фикр юритиб ўтирмайди, у: булар ҳақида ёшлигимда роса ўйлаб бўлганман, дейди. Мен эса, аксинча, ақлан жуда заиф ривожланганим учун катта бўлгачгина бу ҳақда бош қотира бошладим. Болалигида тўлақонли тарбия топганлардан фарқли равишда бу муаммоларга чуқур кириб бордим».

Алберт Эйнштейн 1879 йили Сюрихда туғилди. Уни болаликда овсар деб камситишарди. Мюнхендаги гимназия муаллимнинг «Сиздан ҳеч қачон ақлли одам чиқмайди», деб таъна қилгани, Сюрихдаги олий политехника билим юртининг физика (!) профессори «Интилиши, ирода кучи бўлгани билан иқтидори етишмайди», дея айбситгани кечагидай эсида. Ҳеч ким унинг миясида кечаётган илмий пўртаналардан огоҳ бўлмагани учун ҳамма ёнгинасида улуғ даҳо яшаётганидан беҳабарлигича қолди. Алберт йигирма олти ёшида хусусий нисбийлик назариясини ўйлаб топди. Бу оламшумул назариянинг ўттиз саҳифали ечимларини беш ҳафтада ёзиб тугатди. Кейинчалик, 1944 йили Вашингтондаги Конгресс кутубхонаси ана шу қўлёзмани олти миллион долларга сотиб олди. Ўттиз олти ёшида эса умумий нисбийлик назариясини кашф этди. Шунда атоқли инглиз ёзувчиси Бернард Шоу: «Сизлар саккиз нафарсиз, саккиз нафар!» деди. Кейин бунга ҳайрон бўлиб турган Эйнштейнга тушунтирди: «Пифагор, Батлимус, Арасту, Коперник, Галилей, Кеплер, Нютон ва Эйнштейн». Олим фанда қанчалик буюк кашфиёт қилган бўлса-да, ҳамон ўша-ўша оддийлигича қолган эди. Ўғлининг: «Дада, нега бунчалик машҳурсиз?» деган саволига: «Биласанми, ўғлим, кўр қўнғиз думалоқ тўп устида кетаётиб, юрган йўли эгрилигини била олмайди, мен эса, аксинча бунни билиш бахтига муяссар бўлдим», дейди.

Олмонияда ҳокимиятга фашистлар келганидан кейин унинг номи қатағон қилинди, ўзи барча университет ва академиялардан ҳайдалди. Насистлар унинг бошига эллик минг марка тикишди. Шунда у хотинига ҳазил қилди: «Бошим бунчалик қиммат туришини билмаган эканман». Кейинча Швейцариянинг Берн шаҳрида яшаб, ижод қилди. 1922 йили физикадаги оламшумул кашфиётлари учун Нобел мукофотини олди.

Алберт Эйнштейн қанчалик машҳур олим, донғи дунёга кетган улуғ назариётчи бўлмасин, эътиқодли, дунё молига қизиқмаган, камтар ва ҳокисор, одамларга яхшилик қилувчи чин инсонлигича қолди. У умр бўйи биллурдай соф, олийжаноб, эътиқоди мустаҳкам инсон сифатида яшаб ўтди. Ичкиликни оғзига олмай, театр, кино, ўйин-кулги билан иши йўқ эди. Фақат кўп ўқирди. Ҳамма ёқдан пул ёғилиб келганига қарамай, мол-дунёга умуман бефарқ эди. Бернда унинг маошини 3500 франкдан 4500 франкка оширишганида: «Мен бунча пулни нима қиламан?» деди. Рокфеллер жамғармасидан ўн беш минг долларли чек келганида пулни олишни эсдан чиқариб, чекни китобга хатчўп сифатида ишлатиб юрди. Мақолаларидан бирида: «Шахсий фаровонликка интилиш – чўчқаларга муносиб. Мусо, Исо ёки Муҳаммаднинг (алайҳимуссалом) банкдаги жорий ҳисобини кўпайтириш билан машғул бўлишларини тасаввур этиб бўлардими?» деб ёзган эди.

Эйнштейн кўп ишлар, кўп фикрлар эди. Ундан: «Картотекангиз борми?» деб сўрашганида пешонасини кўрсатган, бошқа одамлар унинг лабораторияси қаердалиги билан қизиқишганида ёнидан авторучкасини олган эди. У шуҳратдан қочарди. Кўпинча: «Нега ортимдан бунча кўп одамлар қувиб юришади, ахир улар менинг назарияларимни тушунишмайди, ҳатто уларга қизиқишмайди-ку!» деб зорланар эди.

У етмиш олти ёшида ўткинчи дунёдан кетди. Ўлими олдида: «Мен Ердаги вазифамни бажариб бўлдим», деди. У вафот этган госпитал жавончасида дунёни тинчликка чорлаган мақоласи тугалланмай қолганди. Мақоланинг охириги жумласи: «Ҳамма ерда авж олган сиёсий эҳтирослар ҳали кўп қурбон талаб қилади», деган сўзлардан иборат эди.

Қуйида атоқли физик олим, Нобел мукофоти соҳиби Алберт Эйнштейннинг эътиқодга оид фикрлари билан танишинг:

«Худога бўлган иймон – илмий изланишларнинг энг улкан самарасидир. Худосиз бўлатуриб илмга ишониш мумкин эмас»;

«Инсонга ҳақиқий мақсадни дин белгилайди. Аммо муаммо шундаки, қандай восита билан бу мақсадга эришиш мумкин? Ҳақиқатни тўлиғича англаган инсон ҳар қандай фанни ривожлантира олади. Бироқ илм негизидан дин истисно қилинса, кўп нарса йўқотилади. Мен мустаҳкам эътиқоддан маҳрум олимни тасаввуримга сиғдира олмайман»;

«Табиатни ўрганадиган ҳар бир кишида диний қарашлар туғилиши лозим. Фан билан жиддий шуғулланадиганларнинг иймони шунга комил бўладики, табиат қонунларида қандайдир кучнинг иштироки мавжуд ва бу куч инсондан анча юқори туради. Шу боис фанни холис ўрганиш кишини динга етаклайди. Агар диний хусусиятлар йўқолса, илм-фан руҳсиз, оддий тажрибага айланиб қолади»;

«Диний туйғу оламни ўрганиш борасидаги илмий тадқиқотлар натижасида юзага келади. Бу туйғу, шубҳасиз, биринчи навбатда илмий қарашлар эгаларида кўринади. Коинот қурилишининг илмий ва ратсионал тушунчаси инсонга иймоннинг энг чуқур ҳис-туйғуларини беради».

Абдуллоҳ НОДИРОВ

ТИЙИҚСИЗ ШАҲВАТ ДОМИДА



Чуқур иқтисодий бўҳронни бошдан кечираётган бугунги дунё улкан маънавий-ахлоқий инқироз чоҳи ёқасида ҳам турибди. Бунини ҳатто ғарб оламининг ақл ва фикр эгалари ҳам тан олиб ёзишяпти. Таниқли инглиз тадқиқотчиси Тимоти Ж. Уинтер бундай ёзади: «... Ижтимоий фазонинг шаҳвонийлашуви маданиятимизнинг бир қисмига айланиб қолди... Ишратпараст Оврупанинг фожияси шундаки, ўзини ишратнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисобловчи ушбу иллатни бир куни келиб журналист ва сиёсатчилар ҳайрат ва нафрат билан четта супуриб ташлайди» («XXI асрда Исломи», Тошкент, «Шарқ», 2005 йил, 98-99-бетлар). Англиялик бошқа бир мутафаккир Ричард Билл эса: «Оврупа катта инқирозлар арафасида турибди. Унинг ялтироқ, кўз ўйнатувчи кўриниши ортида ахлоқсизлик, жоҳиллик, ваҳшат, қалб касалликлари, номус топталиши, бузуқлик, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик каби иллатлар яширинган. Ўзаро ҳурмат, муҳаббат, ишонч, уят йўқолиб боряпти», дейди.

«Сиёсат муҳитнинг энг қайғули намунаси», дейишганидай, оддий халқ қолиб, катта-катта давлатларнинг раҳбарлари ҳам ишратпарастликда пешқадамлик қилишаётгани фожия кўламини яққол кўрсатиб турибди. АҚШ собиқ президентининг Оқ уйда маъшуқаси билан қўлга тушиб қолиши, Италия бош вазирининг бутун дунёга шов-шув бўлиб кетган ишқий «саргузаштлари», яна бир давлат раҳбарининг шаҳватпарастлик учун қамалгани, дунёдаги энг катта банкирнинг ҳатто меҳмонхона ходимаси билан зино

қилиши каби аянчи ҳолатлар ахлоқий инқирознинг аччиқ меваларидир. Ғарб олами бугун эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан жинсий алоқа қилиши, бесоқолбозлик, фоҳишабозлик, бузуқлик ўпқонига ғарқ бўлган. Муқаддас оила тушунчаси аллақачон барбод бўлган: никоҳсиз яшаш, фарзанд кўришни «эскилик сарқити» деб ҳисоблаш, оталарнинг ўз қизларини зўрлаб номусига тегишлари, ака ва сингилларнинг бирга турмуш қуришлари, «феминизм», «аёл эрки» каби сохта ғоялар баҳонасида аёлларнинг эрларга итоатсизлиги каби иллатларга ҳамма кўникиб бўлди.

Аллоҳга шукр, бундай шаҳватпарастликнинг тийиқсиз балолари юртимизга ҳали тўла кириб келганича йўқ. Аммо глобаллашув жараёни ва маданиятларнинг яқинлашуви оқибатида бу кулфатнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Шундай экан, ёшларимизни бугун улар ҳаётига жиддий хавф солиб турган бузуқликлар кўлами ҳақида огоҳлантиришимиз, уларни ота-боболаримизнинг юксак ахлоқ ва ислоний маданиятга асосланган ҳаёт тарзи асосида тарбиялашимиз керак бўлади.

Тан олиш керак, ғарб оламини чуқур ларзага солиб турган ахлоқсизликларнинг ҳозирча беозор кўринган, аммо келгусида миллат бошига улкан бало сифатида тушиши мумкин бўлган айрим кўринишлари илдиз отишни бошлади. Ўзи бундай бузуқликлардан қандай қутилишни билолмай боши қотган Ғарб бугун ўзининг расво «маданияти»ни ёш, мустақил мамлакатларга «экспорт» қилишга уринаётгани, бу борада анча-мунча ютуқларга эришаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу «маданият» параболик антенналар, интернет тизими, турли йўллар билан ўлкамизга яширинча олиб кирилаётган шаҳватпарастлик ва бузуқликни тарғиб қилувчи газета-журналлар, компакт дисклар, китоблар ва филмлар, клип ва бошқа манбалар ёрдамида ҳеч қандай сўроқсиз хонадонларимизга кириб келяпти. Бир қарашда беозордай кўринган бу «маданий юриш» аслида узоқни кўзлаб, аниқ ва пухта режалар асосида амалга оширилаётган улкан кўпуровчилик хуружидир. Чунки илгари ўзга мамлакатлар катта армиялар ва ваҳшатли қурол-яроғлар воситасида босиб олинган бўлса, ҳозирга келиб мустамлакачилик сиёсати миллатларнинг ахлоқи ва дунёқарашини ўзгартириш орқали дунёни забт этишга қаратилган. Чунки асосларидан узилган, ўзлигини йўқотган, миллий ғурури ва номусини бой берган манқурт кимсаларни енгиш, куллика солиш, бошқариш анча осон кечади.

«Касални бекитсанг, иситмаси ошкор қилади», дейди доно халқимиз. Яшириб нима қиламиз, ҳозир Ғарбдаги шаҳвоний ва бузуқ «маданият»нинг айрим кўринишлари халқимизнинг озчилик бир қисми орасида ниш ураётгани, илдиз отаётгани сир эмас. Эҳтимол, кимлардир каминани «бўёқни қуюқлаштириб юбораётганлик»да айбламоқчи бўлар? Лекин масалага жиддий қарайдиган бўлсак, аҳвол ўша кимлардир ўйлаётганидан ҳам хавотирли, қўрқинчли...

Бир вақтлар номаҳрам киши ҳовли эшигини тақиллатса, овозимиз ташқарига чиқмасин, дея томоқ қириш билан жавоб қилган момоларнинг неварачеваралари бугун ярим яланғоч, қорниларию сийналарини кўз-кўз қилиб юришдан уялмайдиган аҳволга тушишди. Бир вақтлар ҳатто никоҳдаги эрлари кўзига қарашга ботина олмаган ҳаёли оналарнинг фарзандлари бугун шалоқ сўзлар билан сўқинадиган, эрлари билан тиккасига айтишадиган, ҳатто уларга қўл кўтаришгача борадиган шаллақиларга айланаётгани ҳам бор гап. Кўча-кўйда ҳалол эрларининг қўлидан ушлашга ийманган момоларнинг зурриёдлари бугун танфурушлик қилишдан тортинишмаяпти. Келин ва қайнотанинг ўпишиб кўришиши, сингилнинг ака олдида ярим яланғоч, сийнасини кўрсатиб бемалол юриши, ҳали никоҳдан ўтмаган келиннинг куёвжўралар билан бемалол мулоқотга киришиши, ҳатто рақсга тушиши, боғча болаларининг эркак ва аёл жинси ҳақида катталардай фикр юритишини ҳам замонга тўнкаш фирт жоҳилилик ва гофилликдир.

«Қуш уясида кўрганини қилади», деган мақол бор. Ҳаё ва ифбат унутилган, катталар бемалол шалоқ сўзларни тилга оладиган, болалар ҳузурида уятли филмлар ёки қўшиқ клиплари хотиржам томоша қилинадиган, ота-оналари балоғатга етган қизлари билан беҳаё саҳналарни кўришдан уялмайдиган хонадонларда ўсган болаларнинг жинсий тарбияси яхши бўлишига ҳеч қандай кафолат йўқ. Фоҳишабозлик, бузуқлик йўлини танлаган йигит-қизларнинг аксарияти ана шундай ҳаёсизлик уфурган оилаларда «камолга етганини»нинг ўзиёқ фожианинг бутун кўламини акс эттиради.

Онда-сонда бўлса-да, ёшлар орасида бундай номуассизликларнинг турли кўринишларига дуч келинмоқда. Яқинда журналист дўстимиз аянчли бир воқеани сўзлаб берди: коллежлардан бирининг муаллими ўзи дарс бераётган группа қизларининг барча қўл телефонларини йиғиштириб олиб, ичидагиларини текшириб кўрибди. Натижа у кутганидан ҳам даҳшатли чиқибди: олтмиш бешта қўл телефонининг эллик учтасида бузуқ, уятсиз филмлардан лавҳалар ёзиб олинган экан. Қолганларининг эгалари ҳаёли экан-да, деб ўзингизни овутманг, уларнинг телефонлари бундай нарсаларни ёзолмайдиган оддийси экан.

Ёки бошқа бир воқеа: туппа-тузук бир оиланинг ёлғизгина қизи кечкурун бир дугонасини уйга бошлаб келибди. Ота-онасига «дугонам билан имтиҳонга тайёрланмоқчимиз, бизга ҳалақит берманглар», дея тайинлаб хонага кириб кетишибди. Уларнинг узоқ вақт жимиб кетганидан кўнглига шубҳа тушган ота ташқаридаги деразадан қия қолган парда орқали қизининг хонасига қарабди. Не кўз билан кўрсинки, икки дугона қараовтда яланғоч ҳолда рўпараларидаги экранда намоёниш этилаётган бузуқ саҳналарни ҳаётда «ижро этишар» эди. Бундай мисоллар ёзувчи ҳаёлининг маҳсули ёки камёб ва нодир ҳодиса бўлганида эди, бу ҳақда ёзиб, муҳтарам ўқувчининг қимматли вақтини олмаган бўлур эдик. Аммо, минг афсуски, булар ҳақиқат ва тобора урчиб бораётган иллатлардир.

Бир марта ҳаё пардаси йиртилса, кейинча бузуқлик одатий ҳолга айланади. Масалан, танфурушликка илк бор чиққан аёл уятдан минг бор қизариб-бўзаради, аммо кейинчалик умуман кўникиб, бирор туки жимирламайдиган бўлиб қолади. Болалигимиздаги «фалончининг ўғли фалончининг қизининг қўлини ушлабди» деган ваҳимали сўзлар бугун кулгили туюлиб қолди, чунки қўл ушлаш уёқда қолиб, ҳамманинг кўз ўнгида қучиб ўпса ҳам ҳеч ким мушугини «пишт» деяётгани йўқ. Илгари маҳаллада бирор аёлнинг сал

бежо қадам ташлаши барчанинг муҳокама мавзусига айланган бўлса, бугун маҳалла ёки «дом»даги ёши улуғ насиҳатгўйлар фоҳиша аёлларни номма-ном санаб беришади. «Нега уларни тартибга чақирмайсиз?» деган саволга «Э, уларни йўлга солиб бўлармиди!» деган жавоб қилишади ёки ҳафсаласизлик билан қўл силташади ёхуд «оч қорним – тинч қулоғим» маъносида ўзларини муаммони кўрмаганга олишади. Агар жамиятда онда-сонда учрайдиган бу каби иллатлар олди олинмаса, эртага булар одатий ҳолга айланади, ҳеч кимнинг иши бўлмай қолади. Оқибати эса ниҳоятда аянчли, хатарли...

Исломи дини шаҳватга қўл бўлишни, зино ва бузуқликни қаттиқ қоралайди. Динимизда ҳатто номаҳрам аёлнинг қўлини ушлаш ёки у билан суҳбат қуриш уёқда турсин, ҳатто иккинчи бор назар ташлаш кўз зиносига тенглаштирилади. Аллоҳ таоло айтади: «Зинога яқинлашманглар, албатта у фаҳш иш ва ёмон йўлдир» (Ал-Исро, 32). Саҳлдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким менга икки оёғи орасидаги нарсани ва икки жағи орасидаги нарсани муҳофаза қилиб берса, мен унга жаннатни муҳофаза қилиб бераман», деганлар» (Имом Бухорий ва Термизий ривояти). Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Фаҳш нарса борки, шармандалик келтиради. Ҳаёли нарса борки, зийнат келтиради», деганлар (Имом Термизий ва Ибн Можа ривояти). Яна: «Қаерда номаҳрам эркак ва аёл ёлғиз қолса, учинчилари албатта шайтон бўлади», деган ҳадис ҳам бор.

Қаерда бузуқлик, фаҳш ишлар кўпайса, ўша ердан барака қочади, оила инқирозга юз тутаяди, жамият қаттиқ бетоб бўлади. Энг даҳшатлиси, ана шундай бузуқ қавмлар бошига Аллоҳнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган балолари келади. Тарихда бузуқлиги билан ном чиқарган Садум ва Гоморра, Помпей каби бутун-бутун ўлкалар Парвардигор ғазабига учраб, аҳолиси батамом қирилиб кетганининг ўзи ҳар қандай оқил кишини ҳушёр торттириши керак. Ҳозирги пайтда ҳам телевидение ва интернет орқали хабар топаётганимиздай, бузуқлик урчиган курортларда бўлаётган табиий офатлар, тунги клублар, ресторани ва ишратхоналарда содир бўлаётган беҳисоб фалокатлар ҳам ҳар биримизни огоҳликка чорлаши лозим.

Одил БОТИРОВ.



Мусулмонлар ибодат учун масжидларга тўпланишади. Намозларни масжидларда жамоат билан адо этиш динимиз талабларидан биридир. Зотан, жамоат намозининг савоби ёлғиз ўқилган намоз савобидан йигирма етти марта ортиқдир.

Масжид Ислом оламида катта аҳамият касб этади. Унинг динимиз тарихида тутган ўрни беқиёс. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом замонларидан буён масжидларда жамоат бўлиб намоз ўқилади, ваъз-иршодлар қилинади, илм ва дин аҳкомлари ўрганилади, ҳидоятга, ахлоқ-одобга чақирилади, икки дунё саодатини сўраб дуолар қилинади. Шу боис, масжидга қадам босган ҳар бир киши масжид одоби ва тартибларига риоя қилмоғи, Аллоҳнинг уйида унинг меҳмони эканини ҳис этиб, фақат Аллоҳ таолонинг зикри билан машғул бўлиши, барча номаъқул ишлардан четланиши лозим бўлади. Ушбу сондан бошлаб масжид одобларига доир бир неча мақолалар беришни режаладик, Қуйида буларнинг биринчиси билан танишасиз.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда «Аллоҳнинг масжидларини фақат тақводор зотларгина обод қилурлар» (Тавба сураси, 18-оят), дейди. Муфассирлар масжидни обод этишни унинг нураган жойларини тузатиш, супуриб-сидириш, пок тутиш, ёритиш, ибодатларни унда адо этиш ва уни нолойиқ нарсалардан асраш, деб тушунтирадилар.

Масжидлар пок ва муборак макондир. Бинобарин,

унинг қадрини пасайтирувчи ва поклигига путур етказувчи ҳар қандай иш ва ҳаракат макруҳдир. Масжидга ёқимсиз, ҳидли нарсаларни истеъмол қилиб кириш, ичкарида дунёвий сўзларни сўзлаш, овоз кўтариш, савдо-сотик қилиш, йўқолган нарсаларни суриштириб жар солиш, заруратсиз масжид ҳовлисида ўтиш, масжид ичида тиланчилик қилиш ёки тиланчига пул бериш каби ҳатти-ҳаракатлардан сақланиш лозим.

Масжидга отланаётган намозхон суннатга мувофиқ кийиниб, ўзини ҳар томонлама поклаб – тозаланиб, таПоратли Полда бориши керак.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Либоснинг оқини ихтиёр қилинглар, уни тирикларингиз кийишсин ва у билан ўликларингизни кафанланглар, чунки оқ либос либосларингизнинг афзалидир», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Самурадан (розияллоҳу анҳу) ривоят этилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Либоснинг оқини кийинглар, чунки оқлари покizarоқ ва яхшироқ бўлур», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Умму Салама розийаллоҳу анҳо айтадилар: «Кийимлар орасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ёқимлироғи кўйлак эди» (Абу Довуд ривояти).

Асмоъ бинти Язид айтадилар: «Расулуллоҳ алайҳиссалом кўйлакларининг энги билаклари тўпигигача эди» (Абу Довуд ривояти).



МАСЖИДГА ОТЛАНГАНДА...

Бурайда розияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одатда елкадан ошириб кийилмайдиган (адёлга ўхшаш) матолар билан намоз ўқишдан, эғнида тўни йўқ кишининг шалвар билан намоз ўқишдан қайтарганлар», дедилар.

Эркак кишининг кўйлак, лозим, салла билан намоз ўқиши мустаҳаб ҳисобланади. Фақат бир узун кўйлак билан ўқиса ҳам, макруҳ эмас. Лекин бир шим (шалвар)нинг ўзи билан ўқиши макруҳдир («Фатовои Оламғирия»).

Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Салла билан ўқилган икки ракат намоз салласиз ўқилган етмиш ракат намоздан яхшидир», дедилар (Дайлабий ривояти).

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Салла ўранглар, ҳилмларинг зиёда бўлади» («Фатҳул-Борий»); «Салла ўраб юринглар, чунки салла Ислоннинг аломатидир, мусулмон билан кофирни ажратувчидир» («Айний»); Абдуллоҳ ибн Умардан бир киши: «Салла ўраш суннатми?» деб сўраганида, у киши: «Ҳа, салла ўраш суннатдир», дедилар (Имом Термизий, «Шамойли Набавий»).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят этилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар умматимга машаққат бўлишини ўйламаганимда албатта уларни ҳар намоз олдидан мисвок қилишга буюрар эдим», деганлар (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насай ривояти).

Пайғамбар алайҳиссалом намоз ўқиш учун мисвок ишлатмасдан уларидан чиққан эмаслар (Табароний ривояти).

Ҳазрати Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) муборак ҳадиси шарифлари масжидга борувчи ҳар бир намозхонни таҳоратли бўлиш билан бирга оғиз ва тишларини ҳамиша тоза тутишга чорлайди. Зеро, оғиз Қуръони каримни тиловат қилишда, Аллоҳни зикр этишда, дуолар ўқишда бевосита қатнашади. Шунинг учун намозхонлар масжидга бориш олдидан тиш-оғизларини мисвок ёки тиш ювиш воситалари ёрдамида тозалашлари уларнинг шахсий озодалиги асоси бўлиб қолмай, жамоатда ҳозир бўлган бошқа намозхонларга ноқулайлик туғдирадиган кўнгилсизлик ва нохушликларнинг олдини ҳам олади. Замонавий тиббиёт ҳам мисвок қилишнинг ўттиздан ортиқ фойдаси борлигини аниқлади ва тиш чириши (кариес), оғиз ҳидланиши, оғиз бўшлиғи касалликлари, милк қонаши каби кўплаб хасталиклар давоси эканини исботлаб берди.

Юқоридагиларга мувофиқ либос кийиб масжидга бориш инсон учун зийнатдир. Аллоҳ таоло: «Ҳар бир намоз олдидан зийнатланиб олинглар!» деган. Аллоҳ азза ва жалланинг бу амрига жавобан Имом Абу Ҳанифа кечасидаги намозлари учун алоҳида кўйлак, салла, тўн ва шалвар тайёрлаб қўйган эканлар.

«Хулосатал фатво», «Ҳалаби сағир» ва бошқа фикҳий китобларда намоз ўқувчининг суннатга мувофиқ либоси учта — кўйлак, тўн ва киндикдан тўпигигача тўсувчи кийим экани таъкидланади.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эрта тонгми ва кечқурунми, масжидга борган кишининг ҳар бир қадами миқдорича Аллоҳ таоло жаннатда манзил тайёрлаб қўяди», дедилар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким уйида таҳорат қилиб, Аллоҳнинг уйлари (масжидлар)дан бирига Аллоҳнинг фарзларидан бирини адо этиш учун юриб борса, унинг икки қадамидан бири ила хатоси ўчади, бошқаси билан даражаси кўтарилади» (Имом Муслим, Термизий ва Насай ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Масжиддан қанча узоқ бўлганнинг ажри шунча улур бўлур», дедилар (Имом Муслим ва Абу Довуд ривояти).

Бурайдадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тун зулматида масжидга юриб борувчиларга қиёмат кундаги порлоқ нурнинг хушхабарини беринглар», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Абу Мусо ал-Ашъарийдан (розияллоҳу анҳу) бундай ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намоздан энг кўп савоб оладиган киши масжиддан энг олисда турадиган одамдир, чунки у кўп юриб, кўпроқ азият чекиб масжидга келади», дедилар».

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг юқоридаги ҳадиси шарифлари хабар беряптики, кишининг уйи масжиддан қанча узоқ бўлса, унга бериладиган савоб ва мукофотлар даражаси шунча кўп бўлади. Зеро, у узоқ масофа босиб масжидга келгунича тўхтовсиз зикр-тасбеҳ айтади, Аллоҳга хуш келадиган амаллар билан банд бўлади. Шу туфайли масжидга келгунга қадар босган ҳар бир қадами учун ажр-мукофотга сазовор бўлади.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамлар намозга эртароқ боришнинг бўлардилар, хуфтон ва бомдод намозининг савобини билганларида масжидга эмаклаб бўлса ҳам борардилар», дедилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намозга такбири иқомат айтилаётган бўлса, югуриб-ҳовлиқиб келманглар, балки вазминлик билан оҳиста юриб келинглар. Етган жойингиздан (жамоатга қўшилиб) ўқийверинг, етолмаганингизни тўлдириб ўқиб олинг», дедилар (Имом Бухорий, Муслим, Термизий ривояти).

Агар бирор киши масжидга кетаётган бўлса, ҳатто муаззин такбир айтаётган бўлса қандай савоби борлигини билганларида масжидга қараб кимўзарга югурган ҳам, тез юриб бормасин. Масжидга кетаётганда оҳиста, қадамни кичик босиб бориш керак, чунки ҳар қадамга беҳисоб савоблар ёзилади («Тарғибус-солат»).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: «Мусулмонлар йўлидан азият берувчи ва зарarli нарсаларни четлатинг» (Имом Муслим ва Ибн Можа ривояти).

Абдулҳай АБДУЛҲАФИЗ ўғли.

МУСТАМЛАКАЧИЛАР ҲАМИША АЛДАШГАН

МУНОФИҚЛИКНИНГ ЧЎҚҚИСИ



Совет ҳукуматининг раҳбарлари В. Ленин ва И. Сталин имзолаган «Русия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» махсус мурожаатномасидан: «Бундан буён сизларнинг урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий мутахассисларингиз озод ва дахлсиз, деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётларингизни эркин ва бемалол уюштира берингиз. Сизларнинг бунга ҳаққингиз бор. Ўзларингиз ўз ватанингизнинг ҳокимлари бўлишингиз лозим. Ўз расм-русумингизга биноан ҳаётингизни уюштиришингиз лозим. Сизнинг бунга ҳаққингиз бор, чунки сизларнинг тақдирингиз – ўзингизнинг қўлингизда» (1917 йил 20 ноябр).

Орадан роппа-роса бир ҳафта ўтиб, 1917 йил 26-29 ноябрида Туркистон ўлка мусулмонларининг Қўқонда бўлиб ўтган тўртинчи фавқулодда қурултойида Туркистон муваққат ҳукумати (Қўқон Мухторияти) тузилди. Туркистон халқининг қонуний ҳукумати бўлган Қўқон Мухторияти орадан кўп ўтмай Колесовга бўйсунган «қизил гвардиячилар» ва миллатчи арман дашноқлари томонидан афдарилди, унинг ўн беш раҳбари отиб ташланди, қолганлари қамоққа олинди. Қўқонда тинч аҳолига қарши талон-тарож, номусга тегиш, қирғин бошланди. (Бўрибой Аҳмедов, «Тарихдан сабоқлар», Тошкент, 1994 йил).

ИЗИ ЙЎҚОЛГАН БОЙЛИКЛАР

Рус босқинчилари зўрлик ва алдов билан тортиб олган маданий бойликларни Туркистон бозорларида хорижликларга сотиб, пулига ароқхўрлик, бузуқлик қилишган, қимор ўйнашган. Бухорода амир Абдулаҳад, Саид Олимхон ҳукмронлиги даврида кўпгина нодир қўлғамалар, китоблар амирзодаларнинг қимор ўйнашлари эвазига ўрис ва четэл савдогарлари қўлига ўтиб кетди. Бу борада Туркистон бош губернатори Розенбахнинг хотини Олга Ивановнанинг нафси наҳанг бўлган. У хонлар ва амирлардан ундирган ноёб бойликларни Тошкентда кимошди савдосида пуллаб, беҳисоб бойлик орттирган. Шу тариқа халқнинг нодир маданият ёдгорликлари, қимматбаҳо қўлғамалар Русия, Британия, Туркия, Эрон, ҳатто Америкага ташиб кетилган.

Биргина 1917-1923 йилларда Туркистон ўлкасидан тўплаб олиб кетилган осори атиқалар, маданий бойликлар икки юз эллик тўрт минг икки юзтани ташкил этган. Булар расмий маълумотлар, яширинча ўғирлангани, куйдирилгани, нобуд қилинганни бу ҳисобга қирмайди.



ОМОНАТГА ХИЁНАТ

Миллий мужодала йилларида Бухоро жумҳурияти ҳукумати раиси Файзулла Хўжаевнинг сай-ҳаракати билан Туркияга юбориш учун халқдан 100 миллион олтин рубл йиғилди. Пулларни Туркияга етказиш учун Ленинга топширишади. Бироқ Ленин бу пулнинг фақат 11 миллион рублини Онадўлига юбориб, қолган қисмини ўзлаштириб юборди. (Mehmet Kafkas, «Milli Mucadele'de Onculer», Izmir, 1991).

ОЛМОНИЯ МУСУЛМОНЛАРИ



Олмония Ички ишлар вазирлиги ўтказган тадқиқотларга кўра, ҳозирги пайтда бу ерда 4. 300. 000 мусулмон истиқомат қилади. Бу мамлакат жами аҳолисининг 5,2 фоизига тенг. Мусулмонларнинг энг катта қисми, яъни 63,2 фоизи (икки ярим миллион киши) Туркиядан, жанубий ва шарқий Оврупадан (13,6 фоизи), Яқин Шарқдан (8 фоиз), Шимолий Африқодан (7 фоиз) келган, қолган бир миллиони эса тубжой аҳоли вакиллариدير. Мусулмонларнинг деярли тенг ярми Олмония фуқаролигини олган.

Тарихчилар фикрича, Олмонияга Ислом динининг кириб келиши милоднинг саккизинчи асридан бошланган. Олмониянинг ўша пайтдаги ҳукмдори Улуғ Карл (Шарлеман) 797 ёки 801 йили аббосий халифалар билан элчилик муносабатлари ўрнатишга киришган. Ҳар икки томон ўшанда ўз мамлакатларидаги диний озчилик вакилларига эътиқод эркинлигини кафолатлашган. 1889 йили кайзер Вилгелм Иккинчи Истанбулга, орадан тўққиз йил ўтиб мусулмонлар қўл остидаги Қуддус ва Дамашққа сафар қилди ва 1187 йили Қуддусни салибчилардан озод қилган атоқли ислом саркардаси Салоҳиддин Айюбий қабрини зиёрат қилди. Ана шу яқин муносабатлар меваси ўлароқ биринчи ва иккинчи жаҳон урушида Олмония ва Туркия иттифоқчи бўлишди.

Ўн еттинчи асргача Усмонли халифаларнинг Оврупага зафарли юришларидан юрак олдириб қолган Олмония мусулмонлар билан алоқаларни кенгайтиришга унча қизиқмади. 1701 йилга келибгина вазият ўзгара бошлади. Ўша йили султон Мустафо Иккинчи Пруссия қироли Фридрих Биринчининг тахтга чиқиши муносабати билан унга табрик йўллади. Кейинчалик герцог Курляндияли қирол Фридрихга урушда асир олинган бир юз йигирма нафар мусулмонни тортиқ қилганида олмон ҳукмдори уларнинг намоз ўқишлари учун алоҳида хона ажратиб берди.

Ҳозирга келиб ҳам олмон ҳукумати мусулмонлар учун бағрикенглик кўрсатиш, улар манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Мамлакатнинг деярли барча йирик шаҳарларида масжидлар очилган. Ҳозирда Кёльн шаҳрида муҳташам жомеъ масжиди қурилмоқда. Масжид гумбазининг баландлиги 37 метр, икки минораси баландлиги эса 55 метрга боради, унинг лойиҳасини немис меъмори Готфрит Бем ишлаган. Бугунги кунда шаҳар аҳолисининг ўн фоиздан кўпроғи мусулмонлардир.

Мамлакат пойтахти Берлиннинг «Музейлар ороли» мавзеида жойлашган Ислом санъати музейи бу йил юз ёшга тўлди. Музей кўргазма залларига мусулмон Андалусиясидан тортиб Ҳиндистондаги Бобурийлар салтанатига тегишли осори атиқалар, шунингдек, Миср, Фаластин, Шом, Онадўли, Марказий Осиё ва Эроннинг бой санъати ва маданияти намуналари жой олган. Ислом санъати музейини ҳар йили жаҳоннинг турли ўлкаларидан келган 330 минг сайёҳ томоша қилади.

Олмония Федератив Республикасида Ислом тарихи ва мусулмон одобини мактабларда ўқитиш бўйича қонун лойиҳаси тасдиқланди. Энди мусулмонлар истиқомат қиладиган Шимолий Рейн-Вестфалия минтақасида диний-тарбиявий дарслар ўқитиш режасига киритилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур ўлкада мусулмонлар кўп яшашини ҳисобга олиб, таълим тизимидаги бу янгилик ижроси айнан шу ердан бошланиши белгилаб қўйилди.

(Интернет материаллари асосида тайёрланди).

САРОБ ОРЗУЛАР

ёки мода оламининг маъсият салтанати

ОЙИ, МОДЕЛЬ БЎЛИШНИ ИСТАЙМАН!

«Онажон, мен модел (янги либосларни намойиш қилувчи) бўлишни истайман!» Замонанинг кўпгина оналари ўз қизларидан шу мазмундаги гапларни балки эшитишгандир. Модалар олами ва ялтироқ ҳаёт содда қизларни тунда парвоналарнинг гулханга талпингани каби ўзига тинимсиз чорлайди. Бир қарашда бу усти ялтироқ ҳаёт, янги модалар намойиш қилинадиган мухташам қасрлар, мода кўرғазмалари ва бошқалар худди ўйноқи оловнинг ёрқин тиллари каби ҳаддан ташқари жозибали кўринади. Аммо олов кучоғига тушганларгина унинг нақадар қаҳри қаттиқ, аёвсиз эканини, ўз домига тушган ҳамма нарсани охири кулга айлантириб юборишини яхши билишади.

Қанчалаб гўзал қизлар ана шу гуриллаган «моданинг ялтироқ оловида» ёниб тугадийкин? Қанчалаб тақдирлар эрта пайхон бўлдийкин?

Ҳафсаланинг пир бўлиши, ушалмаган орзулар, алдов ва хўрликлар ёш қизларнинг «супер модел» бўлиш орзусини рўёбга чиқариш йўлида дуч келадиган беҳисоб машаққатларнинг бир қисми, холос.

Шахсиятни мавҳ этиш нимадан бошланади? Мода олами жуда қаттиққўл ва беаёв, аммо жуда гўзал шохона пардалар ортига яширинган бўлади. Шунинг учун унга киришга ишқибозлар ниҳоятда кўп топилади.

Кўпгина моделлар учун ҳаммаси «кастинг» деб номланган хўрловчи танловдан бошланади. Уларда нигоҳи ўткир, аммо тошбағир фэшн-индустрия (кийим-кечак саноати) мутахассислари ва моделлар ахтариб топиш бўйича югурдаклар қизларни худди буюм каби навларга ажратишади ва кейинчалик улар қисматини поймол этиб, ўзларини ҳуқуқсиз қўғирчоқларга айлантиришади.

Аслида улар назарига тушмаган қизларнинг омади чопди, деса бўлади. Танловдан ўтган чиройли ва хушбичим «бахтиёр»ларни эса даҳшатли қисмат кутиб турибди. Уларнинг кўпи тўшак орқалигина ютукқа эришиб, ном чиқаради. Аслида модел бизнеси индустрияси бой-бадавлат кишиларнинг дунёнинг ҳамма бурчакларидан келган энг гўзал қизлар билан бирга бўлиб, лаззат олиши учун ўйлаб топилган бир найрангдир.

Хусндор модел қизларнинг фэшн-индустрия қопқонига тўхтовсиз оқиб келишини таъминлаш учун «реклама» деб ном олган яна бир индустрия ишлаб туради. Ялтироқ журналлар, телевидение, оммавий ахборот воситалари ва Интернет ҳою-ҳашам рекламаси орқали қизларни модел бўлишга, бойларни эса ана шу гўзалликка пул сочишга тинимсиз чорлаб туради. Бунинг устига моделларга бу бизнесда ютукқа эришиш учун бўйлари қанча бўлиши, тана аъзоларининг мутаносиблиги ва шакли қандай бўлиши кераклиги ҳақида талаблар ҳам қўйилади. Гўзалликнинг нозиктаъби билимдонлари фикрича, қизларнинг бирор жойи бу «қолиплар»га тушмаса, қатта пул эвазига аёл танасига ҳар қандай ўзгартириш киритишга тайёр пластик жарроҳлар ёрдамга келади.

Иш шунга бориб етдики, ҳатто болаларга ёшлигиданок модел бизнесининг ботқоғига қандай шўнғиш ўргатилмоқда. Бунинг учун олдинга «мутахассислар» оналарга қизларининг имконияти бор-йўқлигини қандай билиш-аниқлашда маслаҳат беради. Кейин болалар кастинги, модел мактаблари ва бошқа тадбирлар бошланади. Тайёргарликнинг барча босқичларидан ўтган, юриш, ўзини тутиш ва танасини ҳаракатлантириш малакасига эришган қизлар гуноҳлар уммонига шўнғиш учун подиумларга (намойиш супаларига) ташланишади.

ЗИНО ОРҚАЛИ -- ЧЎҚҚИГА

Моделларнинг қандай иш бошлашларию, мода оламида қай тарзда ютуқларга эришишлари ҳақидаги ҳикоялари кишини даҳшатга солади.

Собиқ моделнинг дил изхориға қулоқ тутинг: «Одатда кастингда маъқул келиб қолган кизни агентлар ҳалиги... ўзингиз билган нарса эвазига машҳур қилишга ваъда беради. Қизнинг розилиги олингач, у ишга қабул қилинади ва модел санъати ўргатила бошланади. Мурабийлар таълим курсларида мана бу гапни тинмай уқтиришади: «Агар машҳур модел бўлишни истасангиз, агентлик директорларга қулоқ солинг ва улар нима дейишса, гарчи бу сизга ёқмаса ҳам, сўзсиз бажаришга интилинг».

Мода агентлари ўртача кўрсаткичларга эга, аммо итоатқўй ва қайсарлик қилмайдиган қизларининг Франсияга жўнат кетишгани, у ерда қатта пул топишаётганини мисол қилиб келтиришади. Турли журналлар ва мода агентликлари буюртмасига кўра қизлар суратини ишлайдиган фоточилар ҳам қизларни шу тариқа «ишлов»дан ўтказишади. Натижада қизлар руҳан ҳамма нарсага тайёр бўлишади.

Биринчи «кўрғазма»ларни конференцияга келган бизнесменлар учун шаҳар четидаги дам олиш уйларида ташкил этишади. Кейин қизларни дам олиш уйидаги алоҳида хоналарга бошлаб кириб кетишади. Барча қизлар билан мижозлар ҳисоб-китоб қилишади. Ишрат учун тўланадиган ҳақ қизлар кийим намойиш этишга оладиган пулдан ўн баравар кўп бўлади. Кўплаб қизлар кундузлари урфга кирган кийимларни намойиш қилиш, кечкурунлари эса «топширик» бажаришга мажбурдирлар. Улар билан шафқатсизларча муомала қилиш ҳоллари ҳам тез-тез учрайди.

Модел бизнесида очик-ойдин фоҳишабозлик кўлами табиий офат миқёсларига тенглашиб бўлди. Агентликларда даромаднинг яширин манбалари, яъни «хамроҳлик хизмати» (эскорт-услуги) деган нарсалар бор. Машҳур шахслар ва бадавлат кишилар қандайдир кеча ва базмларда ўзларига хамроҳлик қиладиган модел агентлиги гўзалларига қатта пул тўлашади. Бу пулнинг анчагина қисми агентликка кетади. Кўп ҳолларда бундай базмлар қаттиқ гуноҳ ҳисобланган зино (никоҳсиз қўшилиш) билан тугайди.

Бу соҳанинг билимдонлари модел бизнесида жиддий ютуқларга эришмоқчи бўлган қизларга ҳаёли, одобли, иззат-нафс эгаси бўлиш қабилирни унутишни, аксинча ўзида очкўзлик ва енгилтақлик хислатларини шакллантиришни маслаҳат беришади. Акс ҳолда бу бизнесда чўққиға чиқиш амри маҳол. Агар чўққини кўзласангиз, қартайган, аммо баобрў амакиларнинг тўшаги орқали ўтишингиз шарт. Агар бу соҳага кирган киз ўзининг ахлокий қиёфаси ҳақида қайғурадиган бўлса, унга мода бизнесида ўрин йўқ, фақат ойлик маошга кўниб яшашга маҳкум.

«МОДА» БУЗУҚЛИКЛАРИ

Модел бўлишга аҳд қилган йигитларни ҳам мода оламида лаззатли ҳаёт кутиб тургани йўқ. Уларни жуда ифлос саналган бесоқолбозлик гуноҳига ботиш ва унга ғарқ бўлиш ҳамда эркак ва аёл орасидаги хунаса бир махлукка айланиш имкониятларигина кутиб турибди.

Ислом нуктаи назаридан таҳлил этадиган бўлсак, модел бизнесини гуноҳлар индустрияси деб аташ мумкин. Келинг, мода оламини «иффат элаги»дан ўтказайлик ва фаолиятнинг ушбу турида кўп учрайдиган асосий гуноҳларни бирма-бир санаб ўтайлик:

* Ўз гўзаллигини номаҳрам ва бегона кишилар кўз ўнгига (подиумлар, видеотасвирлар, журналлар саҳифасида) намойиш этувчи қизлар ва уларни томоша қилувчилар қаттиқ гуноҳга ботишади.

* Агентликлар эгалари ҳамда ёш қизларнинг қисматини бузишга, уларнинг кўз ёшлари ва азоблари эвазига катта пул ишлашга дахлдор кишилар катта гуноҳга йўл қўйишади ва бунинг учун қиёмат куни Парвардигор ҳузурида ҳисоб беришади.

* Никоҳсиз жинсий алоқа, яъни зино бу соҳада ютуқлар ва машҳурликлар тўловидир.

* Ишдаги доимий босим ва зўриқишларни унутиш учун айрим моделлар кўпинча маст қилувчи ичимликлар ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга ўтишади.

* Қизларни турли ҳолат ва кўринишларда суратга туширадиган фоточилар мунтазам гуноҳга ботишади ва бу тақиқланган суратларни кейинчалик кўрган барча одамларнинг гуноҳига шерик бўлишади.

* Доимий босимга дош беролмай қолган қизлар баъзан иложсизликдан ўз жонларига қасд қилишади. Аммо бу қутулиш чораси эмас, аксинча олдингидан ҳам қаттиқроқ гуноҳ бўлиб, ўз жонига қасд қилганлар дўзахда абадий азоб чекишга маҳкум бўлишади.

Бундан ташқари яна кўпгина гуноҳларни санаб ўтиш мумкин, аммо бундан «мода ҳаётидан» эзилган шўрлик қизларнинг машаққати аримайди. Кимдир: «Албатта айблаш осон, ахир ҳаёт талаби шундай бўлгач, бу бечоралар нима қилсин?!» дер. Бироқ ушбу мақоланинг мақсади чорасиз қизларни маломат қилиш эмас, балки уларга сароб шухрат учун мангу пойга бўлмиш бу машъум тушовдан қутулишда ёрдам бериш, ўз ихтиёрлари билан эмас, аслида чиройли ваъдаларга алданиб, йўл қўйган гуноҳларининг ўзини қоралашдир.

Ҳамма нарсани чиройли ислоҳ қилувчи (тузатувчи) Ислом балки бир қарашда мода масаласидаги фаолият эркинликларини жиловлаб қўядигандай туюлар? Ислом ғояларини миридан-сиригача ўрганган киши у ҳаётнинг барча жабҳаларига тўла жавоб беришини, инсоннинг ижодий ва кашф этиш фаолиятини мукамал бошқара олишини англаб етади. Мода масаласида ҳам Исломнинг муқобил таклифлари бор.



ҲАЛОЛ МОДА ИНДУСТРИЯСИ

Ислом дини фэшн-индустрия ва ялтироқ ҳаётга муқобил тарзда ҳалол бизнесни таклиф этади. Шиддат билан ривожланаётган ислом дунёси эркаклар ва аёлларнинг чиройли, урф бўлган (модадаги) ва айни пайтда Ислом меъёрларига жавоб берувчи кийимларини яратишда янги йўналишларга муҳтождир. Агар моделчилар ва услуб ўйлаб топувчилар (стилистар) бу йўналишда иш олиб боришса, модел қизлар кийимларнинг исломий янги тўпламларини фақат аёллар иштирок этадиган подиумларда намойиш этган бўлишар эди. Шунда гўзалликка интилиш чинакам маъносини топган, аёллар ҳақиқатан ҳурматланган, аёл шаъни, иффатига ҳеч ким тажовуз қилмаган бўлар эди.

НАЖОТ ИСЛОМДАДИР!

Эҳтимол, мода ҳаётининг тўрига илиниб, беҳисоб гуноҳлар қилган, одамлардан ва ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлганлар кўпчиликдир. Бундай кишилар фақат Ислом орқалигина нажот топишлари ва ҳаёт завқини қайта туйишлари мумкин. Аллоҳ таолонинг мусулмонларга ато этган фазли ва марҳамати тавбадир. Чин дилдан тавба қилиб, гуноҳларга қайтмасликка аҳд қилган кишининг барча гуноҳлари кечирилади, иншааллоҳ!

Мода олами аёлларни олди-сотди буюмига, аёл танасини эса тижоратни юрғизиш воситасига айлантирди. Ҳар қандай мол ёки буюмни фақат аёллар реклама қилишади. Бу инсониятнинг чиройли қисмини хорлаш эмасми? Наҳотки у ўзига истеъмол буюми каби муомала қилишларига муносиб бўлса?

Аёллар ўзларининг кадр-қимматларини билиб, бундай муносабатларга барҳам беришлари ва: «Бизларни ҳўрлаб-камситиш ва тирик қўғирчоқлар каби молини сотиш ва бойларнинг кўнгилхушлиги йўлида фойдаланишларига чек қўйиш пайти келди» дейишлари лозим. Қизлари модел бўлишни орзу қилаётган ота-оналар эса уларнинг бу орзуси ҳақида жиддий ўйлаб кўришлари керак бўлади.

Ҳоҷимурод РАҲАБОВ.
(Интернетдан олинди).

ПОЁНИ ЙЎҚ ПОЙГА

СОЛИ СЎТАКНИНГ ДИЙДИЁЛАРИ

Ҳой хумпар, сенга яқинда Овораби ўлкаларига мардикорликка бориб, пул ишлаб келганим ҳақида гапирганмидим? Ҳа, ўлма, бегона юртларда қандай қийналганимни нафас олмай эшитган эдинг-а? Ўша ёқларда саккиз ой итдай ишлаб, сочи узун пошшо сурати туширилган «кўки»дан бор-йўғи ўн бештачасига эга бўлиб қайтганимни ҳам биласан-а? Шу десанг, олис сафардан келишим биланоқ камина худди Рокфеллербойнинг газнасини ўмариб келгандай хотинбой «ўғлимизни уйлатамамиз» деган васвасага тушиб қолди-ку.

Ҳай, уйлатсак-уйлатибмиз-да, дея тўйга тайёргарликни бошлаб юбордик. Аканг қарағай сахарни мардонда тўйларга бориб, лазер гурунчада дамланган паловхонтўрани уриб, устидан аччиққина фамил чойни тапбости қилиб, камига хандон пистани чақиб, кекириб юраверган эканмиз. Ҳозирги пайтда тўй деганлари биздақа машаққат билан пул топадиганларнинг кекиртагини суғуриб, жигарига тиф уриб ташлайдиган жа оғир маросимга айланган экан.

Иннайкейин, тўй дейишса, бир қозонда ош дамлаб, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, ҳамкасбларниё ёр-биродарларни чорлаб едириладиган бир зиёфат-ку, деб хотиржам юрган эканман. Бир томонда кафтини кафтига уриб оғзидан тупук сочиб вайсаётган ўртоқ хотин, иккинчи томондан ҳали бир сўм пул топпагану аммо керилишда Худоёрхоннинг арзанда ўғлини ярим йўлда қолдириб кетадиган ўғил тўй бошланмай туриб каминани исканжага олишни бошлашди:

– Нима, эридан тул қолган Ризвон холага ўхшаб маҳалладаги уч-тўрт қарияни чорлаб тўйни енг ичида ўтказмоқчимисиз?

– Ҳо, бекорларнинг бештасини айтибсиз, ким айтади сизни чет элда ишлаб пул топиб келган бойвачча деб? Тўйни ё «Версал» тўйхонасида ё «Наврўз»да ўтказамиз, қўшниларим бир куйиб ўлсин!

– ЗАГСга боришга бешта «Мерседес», келин-куёвга узун лимузин, келиннинг дугоналарига учта «жип» гаплашиб берасиз.

– Никоҳ базмини қизитишга асосан Озодбек Назарбековни чақирсакикин ё Оғабек Собировними? Қолганлар бир-икки номер кўрсатиб кетаверарди.

– Ҳой дадаси, яна ўтган галгидай магнитофонни ванг қўйиб тўй ўтказаман, деган бемаъни хаёлларга бориб ўтирманг-а, одамни шармандаларга ўлдирасиз!

– Қуда томонга ҳозир икки минг доллардан «сут пули» берилаётган эмиш, кўпдан ортда қолиб, яна курумсоқ деган ном орттирмайлик...

Она-боланинг оғзидан Калашников автомати ўқлари каби тариллаб чиқаётган сўзлар маъносини англашга ҳарчанд уринсам ҳам барини эслаб қолиш насиб этмади. Бирдан бошим айланиб, кўзим тиниб, деворга суяниб ўтириб қолдим. Гарансираб турган бўлсам ҳам мундоқ хомчўт қилиб кўрсам, тўйни иккови бели оғримаган истаганидай ўтказиш учун камида Амриқоннинг юзталиқ пулидан нақ икки бойлами ҳам етмас экан. Бир амаллаб уларни инсофга чақирмоқчи, «кўрпамизга қараб оёқ узатайлик», дея насиҳат қилмоқчи бўлдим. Автомат ўқлари энди баллистик ракеталар билан алмашди.

– Ҳой одам, сизда инсоф борми, ўғлимиз озби-ёзиб бир марта уйлансаю яна тўйни кўрпага қараб қилайлик деб турсангиз. Ахир сизнинг анави Мирқосим бизнесмендан қаерингиз кам?

– Адажон, агар тўйни камчиқим қилиб ўтказадиган бўлсангиз, ўртоқларим ичида обрўйим бир пул бўлади, кўчага чиқолмай қоламан-а!

– Хўжайин, ким айтади сиззи кўча кўрганнинг боласи деб. Бунақа пасткашларча тўй қилиш сизга ярашмайди-я!

– Энди, дадаси, тўй олтидан ўғлингизнинг ошналарию менинг дугоналарига бир қўлинг ўргилсин вечер қилиб ҳам берасиз, ўшанда тўйни қандоқ ўтказишни ҳам яхшилаб бир режалаб оламиз...

Энди тўплардан бир йўла «қўқ узиш» навбати каминага ўтди:

– Менга қара, жон хотин, аканг ўргилгур хотин, агар сен айтганингдек тўй қиладиган бўлсам, манави квартирани сотсак ҳам пули етмайди. Иннайкейин, сенлар ЗАГСнинг ўзига чақирмоқчи бўлган машиналарингнинг кирасига битта яп-янги машина олса бўлади-ку! Хотинжон, ахир эсингдан чиқдим, икковимиз никоҳдан ўтганда қадрдон «Москвич»имда гаплашиб уйга келгандик. Отанг раҳматли эса онанги Учқўрғондан от аравада тушириб келганини яқингача гапириб юарди. Сенларни нима жин урдик, бойларга тақлид қилиб, лимузинда юргинг келиб қолди? Иннайкейин, ҳали ЗАГС базми деганига бало борми, ахир ҳисоблаб кўрсам ўша базмингга ҳам салкам

битта тўйнинг пули кетаркан-у! Ахир, ман бор-йўғи мардикорчилик қилиб юрган бир сўтак бўлсам, бойларга тақлидан тўй қилишни менга ким қўйибди?

– Ҳа, илгари замон бошқа эди, биз «Москвич»га алданиб қолаверганмиз. Ҳозир йигирма биринчи аср, орзу-ҳавас деган гаплар бор, ҳамма қилаётган удумни қилмасак, эртага маҳаллада обрўйимиз қолармиди! Ўғлингизни ўкситманг, шундоқ ҳам йўқчиликдан эзилган юрагини тилка-пора қилманг-да, айтганига миқ этмай кўнинг!

– Хўп, машинасига кўндим ҳам деяй, анави артистига бало борми, ахир уларинг битта тўйга камида беш минг дўлларга борармиш. Мен мунча пулни қаттан топаман, ахир!

– Эркакмисиз, белингизда белбоғингиз борми, топасиз! Ана, маҳалла домласи айтди, оила таъминоти эрларга мажбурий эмиш. Шундай бўлгач, бўйин товлаб кўринг-чи, муҳокамага қўйдирворамиз.

– Вой-дод, нага тушунмайсанлар, санлар айтаётган нарсаларга пулни қайдан оламан, нима тупроққа ўт қўяйми, ё банкка ўфриликка тушайми?

– Энди буёғи сизнинг проблемангиз, нима қилсангиз ҳам тўйни бошқалардан ортда қолмай ўтказиб берсангиз бўлди. Кейин жа паст кетовурманг, адаси, ахир маҳаллада кимсан чет элда ишлаб пул топиб келган Соли бойвачча номингиз бор-а, уят бўлади, ҳа, уят бўлади.

– Адажон, «адам тўйдан кейин Ласетти миндириб қўймоқчилар» деб ўртоқларимга мақтаниб ҳам қўйган эдим...

Она-бола билан ортиқ ади-бадига тоқат ҳам, куч-қувват ҳам, истак ҳам қолмада манда. «Бор-э, санларга Худо инсоф бермаса, бандасининг кучи етмас экан», дедиму шартта кастимимни елкага илиб кўчага чиқиб кетдим. Икки кундан бери уйга ҳам кирмай, маҳалла чойхонасида ётиб юрибман. Адамиз қайда қолдийкин, деб қидирмайди ҳам занғарлар. «Эшакнинг кучи ҳалолу ўзи ҳаром» шекилли?!

Мана шунақа гаплар, жиян! Одамларга ҳам тушунмай қолдим, чўнтагида ҳе мири йўқ, уйда сичқонлар қўлтиқтаёқда юрибдию, бунақа керилиш, бадавлат кишиларга тақлид қилиб катта тўйлар қилиш, беш кунлаб базм-ўтиришлар уюштириш қаёқдан чиқиб қолди, ўзи?! Ахир Овораби мамлакатларида кўриб келдим: одамлар пул топса, боласини ўқитаркан, эрхотин чет элларга саёҳатга бораркан, ҳеч бўлмаса, уйига керакли бирор жиҳоз, улов сотиб оларкан.

Бизлар-чи, пул топдик дегунча, кимўзарга, шуҳрат чиқаришга, бойларга тақлид қилишга харжлаб юборамиз. Шоҳона тўйлар қиламиз, бор-будимизни сарфлаб, камига катта-катта қарзлар олиб таниган-танимаган юзлаб одамларни чорлаб, тўкин зиёфат берамиз, лимузинга, отарчиларга сочамиз. Йўқ ердан турли маросим ва маъракаларни ўйлаб топамиз. Саниям, хабаринг бордир, ҳозир туғруқхонадан янги чақалоқни олиб тушишга ҳам лимузинлар, артистлар чақириш модага кирибди.



Ахир, бу пулларни кўчадан шундоққина супуриб олаётганимиз йўқ-ку! Бунча пулни топгунча қанча эркак чет элларда тер тўкиб, камига бировларнинг қош-қовоғига қарашга, ҳатто йўлга кирмаган боласига ҳам иршайишга мажбур. «Ит ётиш мирза туриш» шароитларига, иссиқ-совуғига чидаши шарт. Қанча хўрлик ва йўқотишларга учрашга, касалликлар орттиришга маҳкум. Манавиёқда бели оғримаган хотинлар, ёнидан ел ўтмаган такасалтанг, аммо қуруқ кекирик, димоғдор фарзандлар буларни ўйлаб ҳам кўрмайди. Бир-икки кунлик тўй, аллакимларнинг еб-ичиб кетишини деб эрларини эговлайди, сохта обрў топаман, дея эркакларнинг шўрини қурилади... Ахир, бу поёни йўқ пойганинг чеки борми? «Ҳой инсонлар, бўлди, етар, пул топгач сал ақл ҳам топинглар, кимўзарга тўй қилиш ўрнига болангизга илм беринг, керакли жиҳозларни сотиб олинг, ўзингиз учун яшанг, одамларга ўхшаб турмуш кечиринг» дейдиган бирор мард топилармикин?! Ё бу поёни йўқ пойга, ўзгаларга тақлид қилиб ҳаёт кечиринг ва ана шу ақлсизлик ортидан бир умр рўшнолик кўрмай кун кўриш давом этаверадими?! Сан нима дейсан, жиян, гапим тўғрими ё Соли аканг адашяптими?! Сизлар нима дейсизлар, одамлар?!!!

**Соли сўтак дийдиёларини оққа кўчирувчи:
Шолтой БОЛТОЕВ.**

КИТОБХОН ХАЛҚНИНГ ЛОҚАЙД ВОРИСЛАРИ

Олдинига Ислоннинг китобга муносабати ҳақида бир-икки оғиз сўз: динимиз илм ўрганиш, китоб ўқишга ҳамиша мусулмонларнинг энг муҳим вазифаси сифатида қараб келган. Қуръони каримнинг илк нозил бўлган ояти «Ўқи» амри бўлгани, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) «Илм талабида бўлиш муслим ва муслималарга фарздир»; «Бешиқдан қабргача илм изла»; «Илмни Чинга (Хитойга) бориб бўлса ҳам ўрганишлар» каби жуда кўп ҳадислари фикримизни тасдиқлайди. Ислон уммати илм ўрганиш, китоб ёзиш ва ўқиш борасида бутун тарих давомида бошқаларга ибрат бўлиб келган. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп.

Араб тарихчиси Ёқут Ҳамавий ёзади: «Мовароуннахрнинг Марв шаҳрида бўлганимда у ердаги кутубхоналар, улуғ донишмандларнинг асарларидан фойдаланишдаги завқ-шавқ билан бола-чақа, ёру дўстларимни ҳам унутиб юбордим. Марвда илмий аҳамиятга эга бўлган қимматли китоблар жуда кўп эди. Мен у ердан кетган вақтимда (1220 йили) вақф қилинган, яъни текинга хизмат қиладиган ўнта кутубхона бор эди. Дунёда китобининг кўплиги ва яхшилиги жиҳатидан бундай жойни кўрмаганман. Масалан, Катта Жомеъ (дорилфунун мажмуи)га қарашли иккита кутубхона бўлиб, бири Султон Санжар ходимларидан Азизиддин Абу Бақр Занжоний номига қўйилган. Унда ўн икки минг жилдга яқин қўлёзма китоблар сақланади». (Машҳур файласуф Ибн Қибтийга ёзган мактубидан).

Араб олими Мустафо Ҳусний бундай дейди: «Ибн Надиймнинг айтишича, Маъмун билан Рум подшоҳи ўртасида ўзаро алоқа бор эди. Маъмун уни айрим урушларда мағлуб этган бўлиб, ўрталарида тузилган сулҳга кўра Рум подшоҳи ўз хазинасидаги китобларни таржима қилишга Маъмун жўнатган одамларга рухсат бериши керак эди. Рум подшоҳи ҳам ушбу шартни бажонидил бажаради. Голиб ҳоким ғалаба учун миллатининг фарзандларига мамлакатига келтириладиган илмий китоблардан кўра қийматлироқ нарсани кўрмади. Тарих сўзлаган бундан ҳам буюк ҳодиса борми?» («Ислон ҳазораси» китоби, Тошкент, 2004 йил).

Бухоролик олим Шарифжон Махдум ҳикояси: «Бухородаги Мозори Шариф дарвозасининг ташқариси «Гулзор»да қаландарона ҳаёт кечирувчи Фозил девона форсий китобларни кўчирадиган кучли хаттотлардан эди. 1803 йилда бир савдогар Ҳиндистондан Бухорога Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ўз қўли билан ёзилган девонини олиб келди. Бу хабар Бухоро амирига ҳам етиб, у китобни кўриш ва сотиб олиб мулкига айлантириш ҳавасига тушди. Лекин савдогар уни ҳар қандай қиммат баҳога сотишга ҳам жуз бандини бузиб нусха кўчиртиришга ҳам рози бўлмади. Бухорода бир ой туришни режаллаган савдогарни қирқ кун қолишга мажбурлашди. Чунки амир шу муддат ичида ундан бир нусха кўчиртириб олмоқчи эди. Ҳамма ёққа жар солиб, «қайси котиб шу ишни қирқ кун ичида уддаласа, минг тилло пул, яна инъом ва ҳадялар берилиши» овоза қилинди. Оз муддатда катта бир ишни бажариш қийинлигидан бирор хаттотнинг нафаси чиқмади. Шунда тўсатдан пайдо бўлиб қолган Фозил девона бу шартга кўнди. «Гулзор»даги

хужрасининг эшигини ёпиб, китобатга киришди. Қирқ кун деганда амирнинг одамлари уни тантана билан аркка олиб келишди. У кўрсатилган муддатда икки нусха кўчирган бўлиб, бирини амирга тақдим қилди, иккинчисини ўзига қолдирди. Нусхаларнинг ҳар бири икки варақли қоғозга кўчирилган, тахминан 500 га яқин жуз (табоқ) бўлар эди. Амир хаттотга илтифотлар кўрсатиб, бир минг қизил олтин, бош-оёқ сарпо, турли ҳадялар берди. Фозил девона пулга сув лабида бир бино қурган эди». («Рисолаи хаттотон» асари қўлёзмаси, 264-бет).

Энди манави далилларга эътибор беринг:

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милодий учинчи асрлардаёқ кутубхоналар мавжуд эди.

Абу Аббос Аҳмад ал-Фарғонийнинг асосий асари "Китабул ҳаракат ас-самовийя ва жавомий илм ан-нуҷум" ўн бешинчи асрдаёқ Оврупа университетларида дарслик сифатида ўқитилган.

Машҳур ўзбек олими Абу Али ибн Сино фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ китоб ёзган, "Китабуш-шифа" 22 жилддан иборат, "Тиб қонунлари" эса саккиз юз йил мобайнида тиббиётдаги асосий қўлланма бўлди.

Қуръони каримни чоп этиш бўйича Саудия Арабистонидаги подшоҳ Фаҳд академияси фаолият бошлаган ҳижрий 1405 йилдан буён Мусҳафни тўқсон кўринишда жами 185 миллион нусхада чоп этди. Бундан ташқари, Китоб Миср, Лубнон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Сурия, Индонезия каби ислон мамлакатларида ҳам кўплаб нусхада чоп этилмоқда.

Биргина милодий ўн олтинчи-ўн еттинчи асрларда Ислон оламида илмнинг турли соҳаларида ишлаётган 86 минг таниқли уламо бор эди.

Милодий тўққизинчи-ўн иккинчи асрларда Фарбнинг 95 фоиз аҳолиси ўқиш-ёзишни мутлақо билмаган.

Қоҳирадаги Фотимийлар кутубхонасида илмнинг турли соҳаларига доир икки миллион жилд китоб бўлган. Ўшанда Оврупа Қироллик кутубхонасида бор-йўғи юз жилд китоб бор эди.

Андалусиядаги "Ал-Ҳикам" кутубхонасидаги мавжуд шеърый девонлар мундарижасининг ўзи қирқ тўрт жилдли китобни тўлдирган.

Тароблусдаги (ҳозирги Ливияда) Бани Аммор кутубхонасида бир миллион жилд китоб сақланган, унда 180 нуссох (нусха кўчирувчи) эртаю кеч китоб кўчириш билан машғул бўлган.

Ибн Жавзий исмли олим 340 дан ортиқ асар ёзган, бу киши китоб ёзмаган илмнинг бирор соҳаси қолмаган.

Ўнинчи аср улуғ олимларидан андалусиялик Ибн Рушд умри давомида фақат икки кеча китоб ўқимаган: бири уйланган ва иккинчиси отаси вафот этган кеча эди.

Булар ўтмишда китобга бўлган муносабатнинг ажойиб манзаралари бўлган эса-да, яқин-яқингача ҳам ўзбек хонадонларида узун қиш кечалари хира чироқ ёруғида китобхонлик қилиш анъана тусига кирган эди. Китоб ўқишни билганлар халқ ичида обрўли саналар ва қаттиқ ҳурмат қилинар эди. Ҳофиз, Сўфи Оллоҳёр, Хожа Аҳмад

Яссавий, Бедил, Фузулий, Махтумқули, Машраб ғазалларини ёд билмаслик ор саналар эди. Гап-гаштакларда, турли маросимларда ҳам тўпланганларга китоблардан парчалар ўқиб бериш каби гўзал одатлар бор эди. Бу гапларнинг бари ортида «эди» сўзи борлиги одам дилига бироз ғашлик солади. Чунки ана шундай китобхон халқнинг ворислари ҳозир деярли китоб ўқимай қўйди...

Кўпгина зиёли кишилардан «Бугун нима китоб ўқияпсиз?» деб сўраб чиқдим. Жавоблар жуда афсусланарли: «Китоб ўқишга вақт қаёқда дейсиз, мияда эртаю кеч рўзғор ташвишлари»; «Китоб ўқишни яхши кўраман, аммо вақт тополмаяпман», «Энди, шу десангиз, мундоқ ўқийдиган китоб ҳам йўқ-да»; «Китоб ўқиган билан қорин тўярмиди!»; «Мен теледастурдан бошқасини ўқимайман» ва ҳоказо ва ҳоказо. Уларнинг баҳонаю эътирозларига жавоб ҳам тайёр, аммо бунинг фойдаси бормикин?

Яхши китоблар оз бўлса-да, нашр этилиб турибди. Китоб савдоси ҳам истиқлолнинг илк йилларига қараганда анча жонланди. Масалан, «Шарқ зиёкори» китоб дўконининг барча вилоятларда бир-иккитадан шўьбалари ишлаб турибди. Биргина Тошкентнинг Навоий кўчасида ўнлаб китоб дўконларини санаб чиқса бўлади. Пойтахтнинг бир неча қисмида катта-катта китоб расталари ишлаб турибди. Мустақиллик майдони яқинида муҳташам Китоб кошонаси куриб битказилди.

Тўғри, китобхонларнинг қизиққан соҳалари ва талаб қилаётган мавзулари олдингидан бироз ўзгарди. Олдинлари кўпроқ бадий китоблар, олди-қочди асарлар мутолаа қилинган бўлса, ҳозирга келиб илмий-техникавий адабиётлар, хотиралар (мемуарлар) ва детективлар, пазандалик ва табобат мавзuidaги асарлар, диний-маърифий

китобларга қизиқиш анча ортди. Ана шундай китобларнинг бозори чаққонлиги фикримизни исботлаб турибди. Шунга қарамай, халқимизнинг китобхонлик даражаси анча пасайгани ҳақиқат.

Балки, буни кимлардир бозор иқтисоди қийинчиликларига тўнкар? Эҳтимол баъзилар давр шиддати тезлашиб, турли техникавий воситалар орқали (масалан, интернет, телевидение каби) ахборот олиш қулайлашганини рўкач қилар? Лекин бу нарсаларга бизлардан олдинроқ дуч келган оврупликлар, айрим араб мамлакатларида китобхонлик кучайган бўлса кучайганки, асло пасаймаган. Масалан, аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчиликни олган Швейцария кутубхона-ахборот тармоқлари сони бўйича ҳам биринчи ўринда. Беш миллион аҳоли яшайдиган Финландияда 1500 оммавий кутубхона, шунча китоб тарқатувчи пункт, 250 та кўча кутубхона (библиобус) ишлаб турибди. Аммо биздаги кўпгина кутубхоналар эътиборсизлик, китобхонларнинг кам қатнагани, янги китоблар олишга пул етишмаётгани каби сабаблар туфайли ёпилиб ёки китоб захираси кескин камайиб кетди.

Китоб ўқимаган халқ жоҳилликка маҳкумдир. Китоб ўқимаган, илмга интилмаган, руҳиятини бойитишга лоқайд қараган миллатнинг фарзандлари ўзлигини, эркини, маданиятини бой бериши муқаррар! Ана шундай кулфатлар бошимизга келмай туриб, китоб ўқиш, китобни қадрлаш, болаларимизда китобга муҳаббатни уйғотиш сари юзланайлик!

Аҳмад МУҲАММАД





ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ



ИККИНЧИ САБОҚ MUSULMONLIKNING BIRINCHI BELGISI

Assalomu alaykum, suyuqli farzandlarim! Siz o'tgan mashg'ulotimizda bir necha bor «Alloh» degan so'zga duch keldingiz. Xo'sh, u qanday zot ekan? Ana shu savolga javob berishdan oldin sizga islom dinidagi eng muhim, eng tabarruk bir kalimani o'rgatib qo'yaman, xo'pmi? Yaxshilab quioq soling: «La ilaha illallohu Muhammadur rasululloh». Qani, ovoz chiqarib siz ham bir qaytaring-chi! Barokalloh! Endi uning o'zbekcha ma'nosini ham bilib oling: «Allohdan boshqa iloh yo'q, Muhammad uning rasulidir».

Ana shu jumlaning birinchi qismi haqida gaplashamiz. Ikkinchisini esa keyingi darslarga qoldiramiz. Demak, «Allohdan boshqa iloh yo'q». Xo'sh, nega bunday deyilgan? Nega butun dunyodagi millionlab musulmonlar bu so'zni kuniga yuzlab marta qaytarishadi? Nega ana shu so'zni aytgan kishilargina musulmon bo'la olishadi? Hozir ana shu savollarga javob berishga harakat qilamiz.

Atrofingizga yaxshilab bir qarang-a! Nimalarni ko'ryapsiz? Ha, yashang! Gullab, barg yozib, meva tugayotgan daraxtlarni. Har xil ovozda sayrayotgan, chirqillayotgan, qichqirayotgan, ku-kulayotgan qushlarni, osmonda charaqlab nur sochib turgan quyoshni. Kechasi bo'lganda hammayoqni yoritib turgan oyni va yulduzlarni. Yana-chi? Yana baland-baland tog'larni, katta daryolarni! Innaykeyin, ko'chalami to'ldirib yurgan odamlarni.


Xo'sh, ana shu narsalarning hammasi qayoqdan kelib qolgan?

Daraxtlarni odamlar ekan, desangiz odamlarning o'zlari qanday paydo bo'lishgan? Onalari tuqqan, desangiz o'sha onalar qayoqdan kelishgan? Savollar ana shunaqa ketma-ket paydo bo'laveradi, ularning son-sanog'i bo'lmaydi. Ammo hamma savolga bitta javob bor: «Bularning barchasini Alloh yaratgan» deymiz.

U shunaqangi ulug', shunaqangi qudratliki, Unga hech narsa teng kelolmaydi. U erni va osmonlarni ham, oy-quyosh va yulduzlarni ham, tog' va dengizlarni ham, hayvon va qushlarni ham, daraxt va gullarni ham, jin- shayton va odamlarni ham, xullasi kalom yer ustida va yer ostida, osmonda nimaiki narsa bo'lsa, hamma-hammasini yaratgan. U bittagina «Bo'li!» degan so'zni aytishi bilan hamma narsa yaralib paydo bo'laveradi. Hatto odamlar ham Uning xohishi va amri bilan tug'iladi, yashaydi va bir kuni o'ladi.

Alloh odamlarni yerda yashab, yaxshi ishlar qilishsin, Mening aytganlarimni bajarib, narigi dunyoda katta mukofotlarimni olishsin va «Jannat» degan go'zal bog'imda yashab yurishsin, deb yaratgan. Uning buyurganlarini bajarmagan odamlarni esa olov yonib turadigan «Do'zax» degan joyga tashlab, jazolashini ham aytgan. Alloh hamma narsani yaratgan, hamma narsa unga bo'ysungan bo'lsa, demak, undan boshqa hech qanday qudratli, kuchli zot bo'lmaydi-da! Adashibmi yoki kimlarningdir gapidan qo'rqibmi, Allohdan boshqa narsalarga, masalan, quyoshga, haykallarga, hayvonlarga, suratlarga sig'inib qo'ysa yoki ana shu narsalardan qo'rqib yoki bi-ror narsani iltimos qilib so'rasa, Allohga ularni sherik qilgan bo'ladi. Bu Islom dinida eng og'ir gunoh (yomon ish) hisoblanadi. Bu odam o'ldirishdan ham, ota-onaga qo'l ko'tarishdan ham, o'g'irlikdan ham, aroq ichishdan ham, xullas, hamma yomon ishlardan ham og'ir, juda qattiq gunohdir. Ko'rdingizmi, Alloh juda ulug', qudratli, hamma narsaning xo'jasi ekan. Shuning uchun Alloh nomining yoniga ulug'langan «Taolo» so'zini qo'shib aytamiz, Alloh nomini eshitgan zahotimiz «Jalla Jalaluhu» deb uni maqtaymiz.

Shunday bo'lgach, har biringiz «La ilaha illallohu» degan kalimani yodlab oling, uni har kuni, yurganda ham, bekor turganda ham, uyquga yotayotganda va turayotganda ham – doimo qaytarib tur-ing. Faqat o'zingiz yodlab qolmay, uni boshqa bilmaganlarga ham o'rgating. Chunki buni bilmaganlar musulmon bo'lmaydi. Jannatga ham kirmaydi. Kelgusi mashg'ulotda «La ilaha illallohu Muham-madur rasululloh» kalimasini, albatta, yodlab berasiz, kelishdikmi?



ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

ЯРИМТА ОЛМА

Собит исмли йигирма беш ёшли йигит олмazor яқинида сайр қилиб юрарди. Бирдан очқаганини ҳис қилди. Боғдаги дарахтлардан битта олма узиб олиб тишлади. Олманинг ярмини ҳам еб бўлмай, бирдан боғ эгасидан розилик сўрамагани эсига тушди. Уёқ-буёққа қараб, кўзи нарироқда ўтирган бир кишига тушди. Йигит унга яқинлашиб: "Қорним оч эди, манави олмани уздим ва ярмини едим. Бирдан эгасини рози қилмаганим эсга тушди. Шунга розилингизни сўрамоқчи эдим", деди.

Бояги киши бундай жавоб қилди: "Мен бу боғнинг шунчаки қоровулиман, эгаси бир кеча-кундуз йўл босиладиган масофадаги қишлоқда туради". Йигит боғ эгасининг қишлоғига қараб йўлга тушди. Уни топиб, бўлган воқеани айтди, билмай еб қўйган яримта олма учун розилик сўради.

Боғ эгаси унга синчилаб қараб чиқаркан, бундай деди: "Агар қизимга уйланмасанг, олмага асло рози бўлмайман. Бу менинг асосий шартим. Аммо никоҳга розилик беришингдан олдин қизимга таъриф берай: у кар, соқов, кўр ва оқсоқ". Йигит ўзига ўзи: "Мен бу ерга еб қўйган олмамни ҳалоллаб олиш ва Аллоҳ розилигини топиш учун келгандим, демак, боғ эгасининг шартига кўнишим керак", деди. Шу хаёллар билан у бўлажак келинни кўргани бордию ҳайратга тушди: қизнинг ҳусни гўзал, ҳеч қандай жисмоний нуқсони йўқ эди. Шунда йигит: "Отангиз сиз ҳақингизда бошқача гапирган эдилар", деди. Бунга жавобан қиз бундай деди: "Отам тўғри айтибдилар. Мен карман, Аллоҳга мақбул бўлмаган сўзларни эшитмайман. Мен соқовман, Аллоҳга ёқмаган сўзларни

гапирмайман. Мен кўрман, Аллоҳга хуш келмайдиган нарсаларни кўрмайман. Мен оқсоқман, Аллоҳ қайтарган йўللарга юрмайман".

Йигит шу заҳоти унга уйланишга рози бўлди ва бу никоҳдан мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит (Имоми Аъзам) дунёга келди.

ТОРТИШУВ ОҚИБАТИ

Икки мушук каттагина пишлоқ бўлагини топиб олишибди. Аммо тақсимлай олмай, тортишиб қолишибди. Сўнг орани ажрим қилиш учун маймун олдида боришибди. Маймун пишлоқнинг бирини каттароқ, бошқасини кичикроқ қилиб иккига бўлибди ва ҳар иккала бўлакни тарозининг икки палласига қўйибди. Табиийки, катта бўлак томон оғир келибди. Маймун оғир келган пишлоқдан бир тишлаб олиб, яна тарозига қўйса, энди тишланмаган бўлак оғир чиқибди. Маймун оғир келган томонни тенглаш учун яна бир тишлабди, энди тишланмаган пишлоқ оғир келибди. Маймун ҳар гал оғир келган пишлоқни тишлаб олавериб, охири қолган икки бўлакни ҳам еб қўйиб дебди. Шунда мушуклар:

— Бу тақсимга розимиз, энди ўзимизга тегишли пишлоқ бўлагини бер, — дейишибди. Шунда маймун:

— Тарозида тортиб, сизларга ҳакамлик қилганим учун булар менинг ҳақимдир, — деб қолган пишлоқ бўлаklarини ҳам оғзига ташлабди. Икки мушук бекорга тортишганларига афсус чекиб, пишлоқдан ҳам қуруқ қолишибди.

Халқимиз меҳмондўстлиги ва саҳийлиги билан ном чиқарган. Меҳмонга уйдан жой бериш, уни зиёфат қилиш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш ҳар бир ўзбекнинг бурчига айланган. Айниқса меҳмонга ёқадиган миллий таомлар билан сийлашни, ўзининг пазандачилиқ маҳоратини намоиши қилишни қайси уй бекаси орзу қилмаган дейсиз!

Уй бекаларини бошқа халқлар пазандачилиги ҳам қизиқтириши табиий. Шунинг назарда тутиб, мусулмон мамлакатлар халқлари дастурхонига тортиладиган турли таомларни тайёрлаш услулари билан журналхонларимизни таништириб боришни маъқул кўрдик. Булар мусулма аёлларимизга яхши нусха бўлади, деган умиддамиз.

ЖАҲОН ПАЗАНДАЧИЛИГИ ТАОМЛАРИ



КАВАТОҚДАН ГОЛУБСИ (Озарбойжон)

Майда тўрғалган пиёзни ўсимлик мойида қовурасиз, унга бодом мағзини қўшиб яна бир дақиқача димлагандан сўнг унга зўит, зурунч, ялпиз, туз, қалампир, долчин қўшиб бир қовуриб оласиз. Ток баргини бир дақиқага қайноқ сувга соласиз. Кейин уни ёзиб, тайёрлаган қиймангиздан бир ош қошигида солиб чиқасиз. Уни ўраб чиқсангиз, бармоқ катталигидаги қувурча шаклига киради. Қайнатганда очилиб кетмаслиги учун уни ип билан ўраб қўйса ҳам бўлади. Кастрюлкани оловга қўйиб, голубсиларни қўмғудай сув қўясиз ва қопқоғи ёпиқ ҳолда 25 дақиқача қайнатасиз.

Масаллик: 300 грамм юмшатирилган мол зўити, 30 дона ём тоқ барги, битта каттароқ пиёз, 6 та ош қошигида ҳам зурунч, 4 та ош қошигида майдаланган бодом мағзи, 3 та ош қошигида ўсимлик мойи, бир чимдим майдаланган ялпиз (хўл ёки қуруғи), бир чимдимдан долчин, туз, қалампир.

ФАРФОНАЧА ПАЛОВ (Ўзбекистон)

Кубик шаклида тўрғалган қўй думбасини эритиб, жисзасини оласиз. Кейин қаттиқ қиздирилган ёғга зўити олинган кичикроқ суяк ташлаб, қизил-қўнғир ранга киргунча қовурасиз. Кейин уни олиб ташлаб, аввал зўит бўлақларини, кейин парракланган пиёзни, буларни бироз қовуриб олгандан кейин сомон шаклида майдаланган сабзини ташлайсиз. Уларни қовуриш жараёнида тузини ростлайсиз, зира, зирк, кашинич каби зирavorларни ташлайсиз. Бироз сув қўйиб, яхшилаб қайнатгач, тозалаб-ювилган зурунчини ташлайсиз. Сўнгра зурунчини қўмғудай сув қўйиб, сувини тортгач, 20-30 дақиқага дамлаб қўясиз. Дастурхонга турли салатлар ва сирка билан тортилади.

Масаллик: 500 грамм қўй зўити, 500 г зурунч, 120 г қўй думбаси, 250 г сабзи, 3 та пиёз, бир ош қошигида зирavorлар мажмуи ва туз.

ПИШЛОҚЛИ ГЎШТ (Тунис)

Гўшт ва пиёзни майдалайсиз ва туз-қалампир сепиб, товада бироз сариёғ билан қовуриб оласиз. Тўхумни сувда пиширасиз, қирғичдан ўтказиб, унга пишлоқ ва қовурган зўитингизни қўясиз. Сўнгра хамир қориб, бир соатча тиндирасиз. Кейин хамирни ёйиб, 10 см.ли доирачалар кесиб оласиз. Уларга масаллик солиб, тугасиз. Фритюрда (ясси қозонда) қовурасиз ёки духовкада пиширасиз.


Масаллик: 200 грамм мол зўити, битта пиёз, туз, янчилган мурч, қирилган пишлоқ, бир чой қошиқда сариёғ, иккита тўхум, фритюр учун ўсимлик мойи. Хамирга 400 грамм ун, 100 г сариёғ, битта тўхум, бир стакан сув, туз кетади.

МАНДАРИНЛИ БАЛИҚ (Малайзия)

Ёғда петрушка қўқатини бир-икки айлантириб оласиз. Балиқ тилимларига лимон ширбати томизиб чиқасиз, туз-қалампирини ростлаб, петрушка устига қўясиз. Кейин устидан мандарин парраклари терилиб, 25 дақиқа духовкага қўйиб пиширилади.

Масаллик: 300 грамм балиқ зўити, 75 г ёғ, уч дона мандарин, лимон ширбати, петрушка қўқати, туз-қалампир.

Жониворларни шаръий сўйиш бераҳмлик эмас!



Ўз бандаларининг манфаати учун турли жониворларни яратиб, уларнинг покларини ҳалол қилиб берган, жонлик сўйиб, Ўзига қурбат ҳосил қилиш имкониятини яратган Парвардигоримизга ҳамду санолар бўлсин!

Инсониятга емак-ичмакнинг ҳалол ва ҳаромини ўргатган, жонлиқни ҳалоллаш йўлини кўрсатиб берган Пайғамбаримиз алайҳиссаломга дуруду салавотларимиз бўлсин!

Алҳамдулиллаҳ, санокли кунлардан сўнг Ийд Қурбон байрамини нишонлаймиз. Ҳожиларимиз Аллоҳнинг Уйига рихлат қилиб, жонлик сўйиб, бобокалонимиз Иброҳим алайҳиссаломнинг, ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини адо этиб, Яратганга қурбат ҳосил қиладилар, иймонларини тасдиқлайдилар. Дунёнинг турли чеккаларида яшовчи миллионлаб мусулмонлар ҳам бу муборак ибодатни адо этиб, чексиз ажр-савобларга мушарраф бўладилар. Шу ўринда ана шу кутлуг ибодат – қурбонлик сўйишга оид бироз маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз. Аниқроғи, жониворларни шаръий тартиб-қоидаларга кўра сўйишни бераҳмлик деб ҳисобловчи баъзи кимсаларга берилган ўринли бир жавобни сиз азизларнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Савол:

Нима учун мусулмонлар ҳайвонларни шафқатсизларча сўйиб ўлдирадилар? Уларни узоқ вақт давомида қийналиб ўлишга мажбур қиладилар?

Жавоб:

Ҳайвонларни Ислом шариатида кўра сўйиш усули («забҳ») кўпчилиқнинг танқид тошларига учраб келадиган мавзудир.

«Нима учун сизлар ҳайвонларни тириклай бўғизлайсиз? Ахир ҳалқуми кесилаётган ҳайвоннинг жони оғрийди-ку! Нима учун уни қийнамай, бизларга ўхшаб бир зарба билан ўлдириб, кейин бемалол гўштини нимталамайсиз?», дейишади Исломни тушунмаганлар (ёки тушунишни истамаганлар).

Бундай таъна-дашномларга жавобан қуйидаги нуқталарни кўриб чиқиб, забҳ усулининг нафақат шафқатлироқ, балки илмий нуқтаи назардан афзалроқ эканлигига эътиборингизни қаратмоқчимиз:

1. Жониворларни сўйишнинг исломий усули

Аллоҳ таоло «Моид» сурасида мусулмонлар учун ҳалол қилинган гўштларни баён қилиб, жумладан, шундай марҳамат қилади:

«...сўйиб Ғолсангиз (ҳалол)».

«Сўйиб олсангиз» деб таржима қилинган сўз ояти қаримада «заккайтум» (ذكيك) деб келган. Бу сўз барчамизга маълум бўлган закот сўзига ўзакдош бўлиб, поклик, ўсиш маъноларини англатади. Унинг «тазкия» шакли эса «поклаш» деганидир..

Ислом шариатининг жонивор сўйиш усули қуйидаги шартларнинг бажарилишини такозо этади:

а. Ҳайвон ўткир, жуда кескир тигли асбоб (пичоқ) билан сўйилиши лозим.

Шунингдек, жонивор қийналмаслиги учун тез сўйиш ҳам шарт.

б. Сўйганда жониворнинг нафас йўли (ҳалқуми), томоғи ва қон томирлари кесилиши керак.

Араб тилидаги «забҳ» феъли сўйишни англатади. Забҳда ҳайвоннинг бўғзи, нафас йўллари (трахея) ва бўйнидаги қон томирлари кесилади, бироқ орқа мияси кесилмайди.

с. Жонлиқнинг қони оқизиб юборилиши шарт.

Жонлиқнинг бошини узишдан аввал унинг қони имкон қадар тўлиқ оқизиб юборилиши керак. Бундан мақсад шуки, ҳайвоннинг танасида турли микроорганизмларнинг урчиши учун қулай муҳит бўлган қон қолмаслиги керак. Орқа миянинг кесмай турилади, бунинг хикмати шуки, орқа мия кесилса, юракка борувчи нерв толалари узилиб, юрак тўхтаб қолиши, натижада томирларда қон қотиб қолиши мумкин.

2. Қон микроб ва бактериялар учун қулай муҳитдир.

Дарқикат, қон – микроблар, бактериялар ва токсинлар кўп учрайдиган жойдир. Шунинг учун қоннинг тўлиқ оқизиб юборилиши талаб қилинадиган шаръий сўйиш усул гигиена талабларига тўлиқ жавоб берадиган усулдир. Шу тариқа сўйилган гўштга қондаги бактериялар, токсинлар ва микроб каби турли хил зарарли моддалар ўтиб қолишининг олди олинади.

3. Шаръий усулда сўйилган гўшт кўпроқ вақт бузилмай сақланади.

Шаръий талабларга кўра сўйилган гўшт узоқроқ вақтгача бузилмай сақланади, чунки унинг таркибидаги қон миқдори бошқа усулларда сўйилган гўштларга қараганда камроқ бўлади.

4. Шаръий усулда сўйилган ҳайвон оғрикни сезмайди

Бўйин томирлари кескин ҳаракат билан кесиб юборилса, миянинг оғрик сезувчи асаб толаларига қон бормади қолади. Натижада ҳайвон оғрикни сезишдан дарҳол тўхтади. Шунинг учун ҳам, шаръий усулда сўйилган ҳайвоннинг оёқларини типирчилатиб, бор қучи билан зўриқиши оғрик туфайли эмас, балки мушакларнинг тез-тез қисқариб, бўшаши, танадан қоннинг шитоб билан оқиб чиқиши туфайли юз беради.

Доктор Закир Наик, Исломий тадқиқотлар фонди президенти

islamforhumanity.wordpress.com сайтидан олинди

Ушбу мақола шаръий жонлиқ сўйиш усулига нисбатан билдирилган танқидларга етарли жавоб бўлади деб ўйлаймиз. Бироқ, бу маълумотлар шариатимиз белгилаб берган сўйиш усулининг ягона афзаллиги эмас, албатта. Ушбу ибодат замирига яна қанча ҳикматлар яширинганлиги чексиз илм соҳиби бўлмиш Қодир таолонинг Ўзигагина маълумдир. Шундай экан, бутун дунё мусулмонларига муборак Ийдул Азҳа қуни ушбу гўзал ибодатни – қурбонлик қилишни насиб этишини Парвардигоримиздан талаб қоламиз.